



ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 24-NOYABR, PAYSHANBA, 49 (681)-SON

e-mail: xxi_asr@umail.uz, web sayt: www.21asr.uz

САЙЛОВ – 2016

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЖИЗЗАХ, СИРДАРЁ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ



Б. Тўраева, Мирзачўл тумани тиббиёт бирлашмаси шифокори М.Умаров ва бошқалар мустақиллик йилларида Жиззах вилояти sanoatlashgan хуудга айлангани, амалга оширилаётган улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари одамларнинг ҳаёт даражасини юксалтириб, дунёқарашини ўзгарираётганини фахр билан таъкидлади. Дастурда илгари сурилган улгвор вазифалар мамлакатимиз тараққиётида муҳим асос бўлишини қайд этди. Сайловчиларни 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 19 ноябрь куни Сирдарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни номзоднинг ишончли вакили К. Оқбўтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди дастури юзасидан маъруза қилди.

Дастурда Биринчи Президентимиз Ислам Каримов белгилаб берган давлат сиёсати ва тараққиёт тамойилларини амалга ошириш, мамлакатимиз иқтисодий ва халқимиз ҳаёт даражасини янги bosqichga кўтаришга қаратилган мақсад ва вазифалар ўз ифодасини топган. Давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш ва жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, маҳаллий бюджетлар даромадини кўпайтириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолини замонавий ўй-жойлар билан таъминлаш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, тиббий ва маиший хизматлар сифатини ошириш буйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

“Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” концепциясини амалга оширишни давом эттириш, жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини ривожлантириш, маҳалла тузилмасининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоясини, одил судловнинг мустаҳкам кафолатини таъминлаш, коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муро-сасизлик туйғусини кучайтириш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Давоми 2-саҳифада >>

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 18 ноябрь куни Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан виллоят кенгаши раиси Э. Холматов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди дастури юзасидан маъруза қилди.

Дастурда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида бошланган демократик ислохотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, тинчлик-осойишталик ва барқарорликни таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган асосий йўналишлар белгилаб берилган. Давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, ушбу соҳада тажрибадан ўтган бозор механизмлари ва корпоратив бошқарувининг замонавий принципларини кенг жорий этиш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, қонунлар ижросини таъминлаш вазифаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожини янада қўллаб-қувватлаш яратиш, sanoatni технологик янгилаш ва таркибий ўзгариш, ерларнинг унумдорлигини ошириш ва қишлоқ ҳўжалигига замонавий агротехнологияларни жорий этиш, маҳаллийлаштириш дастурини кенгайтириш, инвестици-

явий муҳитни янада яхшилаш, аҳоли ҳаёт даражасини изчил ошириш, барча давлатлар билан ҳамкорликни ва мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш бўйича муҳим йўналишлар ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти Жиззах вилояти мисолида ҳам намойён бўлмоқда. Шаҳар ва туманларда янги корхоналар, замонавий инфратузилма объектлари барпо этилмоқда. “Жиззах” эркин иқтисодий зонаси, Жиззах цемент заводи ва бошқа sanoat komplekslarida ички ва ташқи бозорларда харидоригир, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида виллоятда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши 9,1 фоизни ташкил қилиб, sanoat maхсулотлари ишлаб чиқариш 18,3 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти 6,2 фоизга, қурилиш ишлари 12,5 фоизга ошди. Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари самарасида 1 минг 90 та янги кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, улар 9 минг 195 тага етди.

Жиззах шаҳрида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, қишлоқларда барпо этилаётган замонавий уйлар ва ижтимоий объектлар виллоят қиёфасини бутунлай ўзгари-тирмоқда.

Видеоконференция тарзида ўтказилган ййгилишда виллоятнинг барча шаҳар ва туман марказларидаги сайловчилар билан очик ва самимий мулоқот бўлди.

Учрашувда “Жиззах овози” газетаси бош муҳаррири А. Иномов, Зомин туманидаги 60-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Л. Пак, меҳнат фахрийси А. Турдиқулов, Фориш туманидаги “FOR-TEX” хусусий корхонаси раҳбари

ФРАКЦИЯ ФАОЛИЯТИ

✓ Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракциясининг навбатдаги ййгилишида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йил тўққиз ойидаги ижросига доир ҳисобот кўриб чиқилди.

Фракция давлат бюджети ижросини кўриб чиқди

Молия вазири ўринбосари Мубин Мирзаев таъкидлаганидек, жорий йилнинг тўққиз ойи якунлари бўйича мамлакат ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 7,8 фоизни ташкил этди, sanoat ишлаб чиқариш ҳажми 7,2 фоизга ўсди. Қурилиш ишлари ҳажми 15 фоиз, хизматлар кўрсатиш ҳажми эса 12,4 фоизга кўпайди. Аҳоли даромадлари, ҳаёт даражаси ва сифатини муттасил оширишни таъминлаш бўйича амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида жорий йил бошидан буён ўртача ойлик иш ҳақи 12,6 фоизга ошди. Шу йилнинг 1 октябрдан бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори яна 15 фоизга оширилди.

Ҳисобот даврида давлат бюджети Олий Мажлис ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари билан тасдиқланган параметрларга, шунингдек, Бюджет кодексига мувофиқ ижро этилгани қайд этилди.

О'zLiDeP фракцияси аъзолари давлат бюджети ва мақсадли давлат жамғармалари бюджетлари ижросини партия электоратининг манфаатлари ҳамда сайловолди платформасида белгиланган вазифалар нуктаи назаридан таҳлил қилди. Жум-

ладан, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қўлай шарт-шароитлар яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижаси эътироф этилиб, уларни янги поғонага кўтариш билан боғлиқ йўналишларга эътибор қаратилди. Хусусан, қайд этилган даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастури доирасида амалга оширилган ишлар натижасида микрофирма ва кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми ўсди ва бу ўз навбатида улар томонидан тўланадиган ягона солиқ тўлови миқдорининг ошишига замин яратди. Шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ва самарадорлигини янада ошириш, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун экин майдонларини кенгайтиришга қаратилган 2016-2020 йилларда қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш қишлоқ ҳўжалиги ялпи маҳсулотларини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,4 фоизга ошириш имконини берди.

Давоми 2-саҳифада >>

САЙЛОВ – 2016



Биз Чилонзор туманидаги 2-Тошкент юридик коллежида жойлашган 437 - сайлов участкасида бўлиб, 4 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш учун амалга оширилаётган ишлар билан қизиқдик. Айтиш жоиз, жараён қизгин: сайловолди ташвиқотлари кўтаринки руҳда олиб борилаёттир. Сайлов участкаси мезъер асосида тўлиқ жиҳозланиб, яширин овоз бериш хоналари, мебеллар, телефон, интернетга уланган компьютер жамланмалари, сайловга оид қонун ва ҳужжатлар, сиёсий адабиётлар билан бойитилган. Шунингдек, “Оналар ва болалар”, тиббиёт хоналари ташкил этилиб, ўйинчоқлар ҳамда зарур дори воситалари билан тўлиқ таъминланган.

СУРАТДА: 437-сайлов участкаси раиси Абдумухтор Ҳасанов ёшлар билан мулоқотда.

Солижон ЗОИРОВ олган сурат.

Давоми 2-саҳифада >>



БОШ ВАЗИРНИНГ ВИРТУАЛ КАБУЛХОНАСИ

“Адолат инсон қадрини улуғлайди” дейишмоқда ўз муаммоларига ечим топаётган фуқаролар

“Бир пайтлар кичик цех қуриш учун ҳам Москвадан рухсат кутар эдик. Уларнинг қайфияти яхши бўлса, хўп-хўп, акси бўлса, шу таклифни берган фуқаро ҳам, ижро ҳоқимияти вакили ҳам балага қоларди. “Цех қуриш учун пулни қаердан олгансан”, деб тинка-мадорингни қуритишарди. Буни бир вақтлар шунга ўхшаш масала юзасидан бир ярим йил терговга қатнаганим учун яхши биламан. Ҳозир эса тадбиркорлик қиламан деганга барча шароитлар муҳайё. Бир қунда ҳўжатларингни

расмийлаштириб беришади. Муаммога дуч келсанг, тўғридан-тўғри Бош вазирга мурожаат қилиш имконинг бор. Қанийди, ёшлигим қайтса-ю, яратилган бу имкониятлардан мен ҳам фойдалансам. Мен учун армон бўлиб қолган тикув цехи фаолиятини йўлга қўйсам...”

90 ёшни қоралаган Камол бобонинг бу ўйлари инсонни тўлқинлантириб юборади, тинимсиз ҳаракат қилишга, олға интилишга, яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланишга ундайди. Отaxonнинг ҳали ҳам ғайрати сўнмаганига

тасанно айтасан, “Шундай табаррук ёшда менда шундай шижоат бўлармикан”, деб ўйлайсан.

– Партия виллоят ташкилотидеги Бош вазирнинг виртуал қабулхонасидан келяпман, – дейди Камол бобо мамнунлик билан. – Барака топшисин, халқнинг дарди, муаммосини ҳал қилиб беришяпти. Дил сўзларимни қабулхонадаги дафтарга ёздим. Эл дардини тушунадиган, огирини энгил қиладиган раҳбарларнинг боши омон бўлсин.

Таъкидлаш жоиз, О'zLiDeP Сирдарё

виллоят Кенгашидаги виртуал қабулхонага шу пайтгача жисмоний ва юридик шахслардан 350 дан зиёд ариза, шижоат ва таклифлар келиб тушган. Партия ташкилоти уларга амалий кўмак кўрсатаяпти. Саксондан ортик киши ўз муаммоларига ечим топди. 100 дан зиёд фуқаронинг аризаларига тушунтириш берилди. Ҳар бир мурожаат қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, аризадаги унинг натижаси ҳақида маълумот бериб борилмоқда.

Хоразм виллоятда ҳам Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига келган ҳар бир мурожаатчи билан ишлаш яхши йўлга қўйилган. Уларнинг ариза ва шижоатлари ҳуқуқшунослар ёрдамида ўрганилиб, Бош вазирга йўлланмоқда. Бугунгача партия виллоят ва туман ташкилотлари томонидан 300 га яқин мурожаат қабул қилинди. Жумладан, Урганч шаҳридан 137 та, Урганч туманидан 66 та, Хивадан 17 та, Шовотдан 12 та, Кўшқўпир ва Хонқа туманларидан эса 11 тадан мурожаат Ш. Мирзиёевга юборилган.

Давоми 3-саҳифада >>

4 ДЕКАБРЬ – САЙЛОВ КУНИ

Халқаро кузатувчилар билан учрашув

✓ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида 2016 йил 22 ноябрь куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари миссияси раҳбари Йохан Петер Трауготт Тейлер билан учрашув бўлиб ўтди.

Миссия экспертлари мамлакатимизда электрон ҳуқумат тизими ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ривожини ва истиқболлари билан таништирилди.

Кузатувчиларга мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ахборот технологияларини жорий этиш, электрон ҳуқумат тизимини тараққий эттириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти жараёнида замонавий телекоммуникация ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар хусусида маълумот берилди.

Ўзбекистонда АКТни янада ривожлантириш, уни давлат ва жамият ҳаётига самарали таътиқ этиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда иқтисодий тараққий эттиришнинг муҳим омилли ҳисобланган электрон ҳуқумат тизимини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири экани таъкидланди.

ЎЗА

САЙЛОВ – 2016

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЖИЗЗАХ,
СИРДАРЁ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

«Давоми. Бошланиши 1-саҳифада»

Учрашувда мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Сирдарё вилояти ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Биринчи Президентимизнинг 2015 йил 9 мартдаги фармойишига мувофиқ ишлаб чиқилган 2015-2019 йилларда Гулистон шаҳрида дренаж тизимини янада такомиллаштириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер ости сув сатҳини камайтириш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастури улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига асос бўлмоқда. Шаҳар ва қишлоқларда янги иншоотлар барпо этилиб, аҳолининг ҳаёт даражаси юксалмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўрин тутадиган Сирдарё иссиқлик электр станцияси, «Жиззах» эркин иқтисодий зонасининг Сирдарё филиали, «Река мед фарм» қўшма корхонаси, «Бек» бирлашмасида ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Шу йилнинг 1 октябрида иш бошлаган «Гулистон медтехника» Ўзбекистон – Буюк Британия қўшма корхонасида импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Учрашув видеоконференция шаклида ўтказилди. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари марказларида сайловчилар номзоднинг дастури юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Республика Маънавият тарғибот маркази Гулистон тумани бўлими раҳбари Ё. Мадаминов, меҳнат фахрийси Р. Абдурахмонов, «Темур мед фарм» МЧЖ бош директори Уринбосари Ш. Зиёев, шахмат бўйича халқаро гротмейстер С. Қурбонбоева, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси М. Абдураулова, Мирзобод ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежи ўқитувчиси Н. Мелибоева, Республика Маънавият

тарғибот маркази Сирдарё тумани бўлими раҳбари А. Мирзааҳмедов ва бошқалар мамлакатимиздаги тараққиёт суръатлари изчил давом этаётгани, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ошиб бораётганини қайд этди. Сайловчиларни халқимизнинг юксак маданияти ва ҳуқуқий онгини намойён этган ҳолда 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол қатнашишга чақирди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидаан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 22 ноябрь кун Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон халқ шоири М.Тоир очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди дастури юзасидан маъруза қилди.

Дастурнинг пировард мақсади – мамлакатимизда ривожланган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, одамларнинг орзу-интилишларини рўйбга чиқариш, ҳаёт сифатини янада юксалтиришдир. Бунинг учун давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг самарадорлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, қишлоқ ҳўжалигини тарихий ўзгариштириш, илм-фанни ривожлантириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, тиббий ва маиший хизматлар сифатини ошириш

бўйича қўллаб-қувватлаш белгиланган.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов белгилаб берган принципларга амал қилган ҳолда тинчликпарвар сиёсат юритиш, ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш устувор йўналиш бўлиб қолиши қайд этилган.

Тошкент вилояти улкан иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятга, бой табиий ва инсоний ресурсларга эга вилоят сифатида Ўзбекистон ҳаётида алоҳида ўрин тутди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг қарийб 15 фоизи, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 12 фоиздан зиёди, иқтисодиётимизга жалб этилаётган инвестицияларнинг 10 фоизи, яъни ички маҳсулотнинг 9,7 фоизи айна шу вилоят ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон металлургия комбинати, Чирчиқ қишлоқ ҳўжалиги техникаси заводи, Олмалик кон-металлургия комбинати, «Женерал моторс» компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган автомобиль двигателлари заводи, Янги Ангрен ҳамда Тошкент иссиқлик электр станциялари ва бошқа йирик саноат корхоналари мамлакатимиз иқтисодиётининг локомотивлари ҳисобланади.

Учрашувда Тошкент вилоятининг ушбу улкан салоҳиятидан тўла фойдаланиш, уни янада ривожлантириш ҳақида ҳам сўз юритилди.

Видеоконференция шаклида ўтказилган учрашувда вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари марказидан сайловчилар номзоднинг дастури юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Меҳнат фахрийси У.Мирзақулов, «Максам Чирчиқ» акциядорлик жамияти қўшидаги маданият саройи директорининг ўринбосари Л. Филиппова, Ангрен шаҳридаги 14-умумтаълим мактаби директори Н. Гафурова, Ўзбекистон корейс миллий маданият марказлари асоциацияси раҳбари В.Паёқ, Олимпия уйинлари чемпиони Ф. Фойибназаров, Бўстониқ туманидаги «Бурчмулла» ўрмон ҳўжалиги директори А. Абдуҷамилов, Паркент туманидаги «Норчонто» фермер ҳўжалиги раҳбари А. Абдуҷонусов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бекобод шаҳар кенгаши раиси Р.Раҳмонов ва бошқалар мамлакатимиз ривожига ҳар бир соҳада намоён бўлаётгани, одамларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиб бораётганини қайд этди. Сайловчиларни 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол қатнашишга чақирди.

У.А



Солмакчи 30ИР0В олган сурат

Фракция давлат
бюджети ижросини
кўриб чиқди

«Давоми. Бошланиши 1-саҳифада»

Мазкур масала юзасидан бўлиб ўтган муҳокамаларда фаол қатнашган фракция аъзолари бундан кейин ҳам иқтисодий тараққиётнинг етакчи кучи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига қўпроқ эътибор қаратиш, мамлакат яъни ички маҳсулотда мазкур соҳа вакилларининг улушини тобора ошириш, айниқса, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни яхшилаш мақсадида давлат буюртмаларини бажаришга хусусий сектор субъектларини янада кенгроқ жалб этиш зарурлигини таъкидлашди.

– Давлат бюджети ижросини тўғри ташкил этиш, ҳудудлар ва соҳалар ривожига йўналтирилган маблағлар аниқ мақсадга хизмат қилишига эришиш бугуннинг талабидир, – дейди парламент куйи палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси Эркин Холбўтаев. – Бу ўз навбатида аҳолининг турмуш фаровонлиги ошиши, жойларда тадбиркорлик янада ривожланиши ва мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига хизмат қилади. Шу боис давлат бюджети ижросига комплекс ёндашган ҳолда, ажратилаётган маблағларнинг самарали ва мақсадли сарфланишини таъминлашда тегишли вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар мутасадди раҳбарларининг масъулиятини янада ошириш, молиявий интизомга қатъий риоя этиш ҳамда Бюджет кодекси талаблари бажарилиши юзасидан парламент назоратини кучайтириш лозим.

Йиғилишда шунингдек, бир қатор қонун лойиҳалари биринчи ва иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Хусусан, биринчи ўқишга киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилинди.

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI as» муҳбири

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Муддатидан олдин овоз
бериш вақти белгиланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида округ сайлов комиссияси ваколатига кирувчи масалалар муҳокама қилинди.

Дастлаб Президентликка номзод кўрсатган сиёсий партияларнинг кузатувчиларини рўйхатга олиш ҳамда уларга мандат бериш ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, муддатидан олдин овоз бериш сайловга 10 кун қолганда бошланиб, сайловга бир кун қолганда тугалланиши ҳамда сайлов участкаларида бундай тартибда овоз бериш вақти соат 9:00 дан 18:00 гача этиб белгиланди.

– Участкаларнинг сайловга тайёргарлик ҳолати, участка сайлов комиссиялари фаолияти учун яратилган зарур шарт-шароитлар муҳим аҳамиятга эга, – дейди 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси котиби Ихтиёр Беков. – Шу мақсадда йиғилишда Яшнобод ва Яқкасарой туманлари ҳокимларининг бу борада амалга ошираётган ишлари юзасидан ахбороти тингланди.

Қайд этилганидек, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, округ сайлов комиссияси томонидан Тошкент шаҳрида 713 та сайлов участкаси тузилган, уларнинг сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланган ва комиссиялар ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Муҳими, сайловга тайёргарлик жараёни қонунийлик, ошкоралик ва бағрикенглик принциплари асосида олиб борилаётган.

Қизгин савол-жавобларга бой бўлган тадбирда мавзуга доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Зарифа НИЁЗМЕТОВА



Солмакчи 30ИР0В олган сурат

СЎЗ – САЙЛОВОЛДИ УЧРАШУВЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Элимдор ИНОМОВ,
Жиззах шаҳридаги «Тоштепа текстиль»
масъулияти чекланган жамияти раҳбари:

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг О'zLiDeP VIII съезбидан сўзлаган маърузаси ҳамда сайловолди дастурини биз – тадбиркорлар кунт билан ўрашиб чиқдик. Айниқса, у киши имзолаган «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон хусусий сектор учун айна мурдао бўлди.

Айтиш жоизки, бизнинг жамиятимиз Жиззах маҳсус индустриал зонасида жойлашган. Яқинда унинг Жиззах эркин иқтисодий зонасига айлантирилгани биз – ишбилармонларга янада улкан имкониятлар яратди. Корхонамизда ҳозирги кунда 98 нафар ишчи ва ходим фаол меҳнат билан банд, тайёр трикотаж маҳсулотларимизнинг 100 фоизи экспорт қилинмоқда. 2013 йилда 8 хил турдаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, экспорт ҳажми 215 миң 500 АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, жорий йилда 32 хил турдаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, экспорт ҳажми салкам уч ярим миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Насиб эмас, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган» белгиси остида экспорт қилинаётган маҳсулотларимиз жаҳон бозорига ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди. Шундан келиб чиқиб, биз Ш. Мирзиёевнинг номзодини қўллаб қувватлаймиз ва дастурда илгари сурилган вазифаларни ҳаётга татбиқ қилиш учун бор куч-гайратимиз, билимимизни аямаймиз.

Насиба Гофурова,
Халқ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгаши депутати,
О'zLiDeP Ангрен шаҳар Кенгаши раиси:

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидаан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашувда қатнашиб, номзоднинг сайловолди дастури билан танишар эканман, унинг кенг қамровлиги, мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётининг ҳеч бир соҳаси назардан четда қолдирилмагани менда катта таассурот уйғотди.

Айниқса, Тошкент вилоятининг иқтисодий ва ижтимоий салоҳияти, ҳали ўзлаштирилмаган ресурслардан оқилона фойдаланиш, ёшлар масаласи, тадбиркорлик, қишлоқ жойларида фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилгани бу вилоятнинг эртанги порлоқ кунига ишорадир. Айтиш жоизки, вилоятимиз юртимиздаги саноат ва қишлоқ ҳўжалиги ривожланган ҳудудлардан ҳисобланади. Хусусан, республикада ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг салкам 15 фоизи, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 12 фоиздан ортиги, иқтисодиётимизга жалб этилаётган инвестицияларнинг 10 фоизи, яъни ички маҳсулотнинг 9,7 фоизининг вилоят ҳиссасига тўғри келиши фикримизнинг далилидир.

Ҳудудда жойлашган Ўзбекистон металлургия комбинати, Чирчиқ қишлоқ ҳўжалиги техникаси заводи, Олмалик кон-металлургия комбинати, «Женерал моторс» компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган автомобиль двигателлари заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни дунё тан олаётгани ҳаммага маълум.

Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, номзод вилоятнинг ҳар бир ҳудудига алоҳида эътибор қаратиш позитивини, янги илм даражоларини очиб ва уларга ёшларни жалб этишни эртанги муҳим вазифаларидан бири сифатида таъкидлади.

Ўйлайманки, дастурда келтирилган далил ва рақамлар, ҳаётий фикрлар, уларни амалга оширишга татбиқ этиш борасидаги мулоҳазалар ҳеч кимни беъэтибор қолдирмайдди. Шу боис ҳам иштирокчимиз мезмори, Биринчи Президентимиз бошлаб берган буюк келажакка элтувчи йўлнинг давомчиси бўлган муносиб номзод ва муносиб ворис Шавкат Мирзиёевга овоз берамиз!

САЙЛОВ – 2016

“Адолат инсон қадрини улуғлайди”

дейишмоқда ўз муаммоларига ечим топаётган фуқаролар

– Жорий йил 24 октябрь кунини виртуал қабулхона орқали оилавий корхонамиз қошида тикувчилик цехи фаолиятини йўлга қўйиш ва бунинг учун имтиёзли фойда узоқ муддатга мўлжалланган банк кредити олишни билдирган эдим, – дейди хонқалик “Хурсанд Рисолат” оилавий корхонаси раҳбари Хурсандбек Курбанов – Мурожаатим 15 кун ичида ўрганилиб, менга амалий ёрдам кўрсатилди. Акциядорлик тижорат “Агробанк” Хонқа филиали томонидан 3 йилга мўлжалланган имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағ ҳисобидан 4 та замонавий тикув машинасини харид қилдим.

О‘зЛиДеР Бухоро вилояти Кенгаши қошидаги Бош вазир виртуал қабулхонасига ҳам мурожаатлар сони тобора ортиб бормоқда. Ўтган даврда жами 270 га яқин мурожаат келиб тушди. Уларнинг кўпчилиги тадбиркорлик, ҳуқуқий масалалар, банк ва молия муассасалари фаолияти, меҳнат ва бандлик, таълим ва спорт, ер ажратиш, коммунал хизмат билан боғлиқ аризалардир.

Малика Иноятова ҳам ўз муаммосига партия вилоят Кенгашидаги виртуал қабулхона орқали ечим топди. Жорий йилнинг 17 октябрида у қизи Мафтуна хориждаги клиникалардан бирида даволатиш мақсадида банкдаги маблағларини конвертация қилиш бўйича ёрдам сўраб Ш. Мирзиёевга мурожаат қилган эди. Орадан кўп ўтмай, ушбу масала ижобий ҳал этилди.

Бухоролик Полвон Ҳожиёвнинг миллий адабиётимиз ва санъатимизни янада ривожлантириш, жонли ижролар сонини кўпайтириш, хонандаларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни янада кучайтириш ҳақидаги таклифи ҳам “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси Бухоро вилояти бўлими томонидан ўрганиб чиқилди. Бу ҳақда мурожаатчи ёзма жавоб берилди. Жавоб хатида “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси томонидан эстрада хонандалари билан ўтказилаётган учрашувларда санъаткорларнинг саҳна ва кийиниш маданиятига риоя этишлари доимий назорат қилиниши қайд этилган.

Шунингдек, уларга томошабинларнинг ҳис-туйғуларини ҳақорат қилмаслик, миллий қадрият ва урф-одатларимизни ҳурмат қилиш мажбурияти юклатилгани маълум қилинган.

“Тараққиёт+Т” ихтисослаштирилган йўл қурилиш, таъмирлаш корхонаси директори фарғоналик Раҳимжон Мадраҳимов ҳам Бош вазир виртуал қабулхонасига мурожаат қилганидан сўнг муаммосига жавоб топди. Р. Мадраҳимов Қува ва Тошлоқ туман пахта тозалаш заводлари, Қўқон шаҳар педагогика институти қошидаги 1-сон академик лицей ва Фарғона политехника институтидан бажарилган ишлар учун тўланмай келаётган маблағни ундириб беришни сўраган эди. Фарғона вилоят Адлия бошқармаси томонидан мазкур мурожаат ўрганилиши ҳақида унинг асосли экани аниқланди ва корхона қарзларини ундириш бўйича вилоят хўжалик судига даъво аризаси тайёрланди.

– Бажарган хизматинг учун маблағ ололмасанг, ҳаммасига қўл силтаб қўяр

экансан, – дейди Р. Мадраҳимов. – Охириги бир неча ой мобайнида ана шундай кайфиятда яшадим. Тадбиркорликни ташлаб, хорижга кетиб ишлаш ҳақида ҳам уйлаганимни яширмайман. Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси фаолият бошлагани ўз ишимни давом эттиришга ундади. Муаммоларимни ҳал этишда ёрдам бергани учун ҳукумат раҳбари Ш. Мирзиёевга миннатдорчилик билдираман. Халқимизнинг ана шундай адолатли, қатъиятли, серғайрат раҳбари борлигидан бошим кўкка етди.

Шу боис ҳам муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда халқимизнинг ишончини қозонган, унинг муаммоларини ҳал этишда бош-қош бўлаётган инсон учун овоз бераман. Чунки ҳар бир фуқаронинг дардини эшитишга тайёр одамгина мамлакатни янги марралар сари етаклайди.

Ҳасан САЛОМОВ,
Норинис ҚОСИМОВА,
Асхор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбирлари

Ўзаллик, саришталик ва ишбилармонлик

мамлакатимиз хотин-қизларининг обрў-этибори, нуфузини оширмоқда

✓ Ватанга, оилага, ҳаётга ва келажакка эҳтиром – аёлга, онага эҳтиромдан бошланади. Аёлини асраган эл қудратли, онасини эъзозлаган фарзанднинг толеи баланд бўлади. Зеро, дунёдаги жамики буюк зотлар, жаҳонгирлар оқила ва доно оналар, ўзал табиатли аёллар бағрида камол топишган. Шу маънода аёлни азалдан муқаддас билиб, унга ҳурмат-иззат кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партияимиздан кўрсатилган номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги нуфузини янада ошириш устувор вазифалардан бири сифатида белгилангани ҳам бежиз эмас, албатта.

Номзодимиз дастурида илгари сурилган бу борадаги эзгу ташаббуслар бошланган хайрли ишларнинг янада изчиллик билан давом этишини аниқлатади. Зеро, унда жамиятимизда тинчлик, меҳор-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб вояга етказишда бежиз ўрин тутадиган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги нуфузини янада ошириш борасида бир қатор голлар илгари сурилмоқда. Жумладан, муҳтарам аёлларимизга муносиб шарт-шароитлар яратиш, улар учун янги иш ўринлари ташкил этиш, опа-сингилларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, истеъдод ва қобилиятини рўйбга чиқаришга хизмат қилувчи муайян дастурларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Исроҳ Каримов ташаббуси билан мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳақда социал-иқтисодий ҳаётида аёлларнинг ўрни ва мақомини юксалтириш давлат ва мустаҳкам оилани қарор топтириш борасидаги долзарб вазифалар изчил амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, фидойи, жонкуяр аёллар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида маҳалла фаоллари, хусусан, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида хизмат қилиб, элу юртимиз ўртасида соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, оилаларда турли хил кўринишдаги низоларнинг олдини олиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида кўпчиликлари ўрнак бўлиб келишяпти.

Сир эмас, ҳозирги пайтда республикамизнинг барча ҳудудларида сановат, кишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналиштирилган кредитлар ҳисобидан минглаб аёлларимиз ўз бизнесини йўлга қўйиб, оилалари фаровонлигини таъминламоқда. Масалан, ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги кичик бизнес субъектларининг 120 мингдан зиёдини, фермер хўжалиқларининг 4 минг 550 дан ортгини хотин-қизлар самарали бошқариб келмоқда. Давлат томонидан аёллар бошқараётган кичик корхоналарни раванқ топтириш, хотин-қизларни кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш фаолиятига жалб этиш, кишлоқ жойларда қасаначилик ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган лойиҳалар фаол қўллаб-қувватланмоқда. Биргина 2015 йилнинг ўзида тадбиркор аёллар учун ажратилган кредитлар 1 триллион 255 миллиард сўмни ташкил этди. Буларнинг барчаси олдимишга қўйган олий мақсадимизга эришиш йўлида, яъни, жаҳондаги энг тараққий топган ҳуқуқий-демократик давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, халқаро майдонда мамлакатимизнинг обрў-этиборини юксалтиришда, Ўзбекистонимиз эришаётган муваффақиятларда хотин-қизларимизнинг муносиб ўрни борлигини кўрсатади.

Бир сўз билан айтганда, партияимиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида юртимизнинг 16 миллиондан ортиқ хотин-қизлари учун муносиб турмуш шароитини яратиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидор ва салоҳиятини намоён этишига кўмаклашиш, тадбиркорликка жалб қилиш қарорини янада кенгайтиришга ҳам урғу берилганлиги эътиборга лойиқ. Шунинг учун опа-сингилларимизнинг Президентлик сайловда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзодга овоз беришга қақирамиз!

ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАР САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Аниқ ва ҳаётий вазифалар

фуқароларнинг номзодга ишончини янада оширмоқда

Ўтаётган ҳар бир кун бизни мамлакатимиздаги муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига яқинлаштирмоқда. Жойларда Президентликка номзодларнинг ишончли вакиллари сайловчиларни мазкур сиёсий жараёнда фаол иштирок этиш ва муносиб номзод учун овоз беришга қақирамоқда.

Номзодларнинг сайловолди дастурларида илгари сурилган устувор вазифалар, мамлакатимизда демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш борасидаги нуқтаи назари сайловчилар эътиборини қозонмоқда. Учрашувларда О‘зЛиДеРдан кўрсатилган номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастури бошқа номзодларнинг дастурига нисбатан мукамал ва қамрови кенглиги билан алоҳида ажралиб турибди. Буни номзоднинг ишончли вакиллари билан ўтказилаётган учрашувларда ҳам яққол сезиш мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли, Тахтақўпир, Қораўзақ, Мўйноқ, Қўнғирот, Чимбой ва Кегайли туманларидаги сайловчилар билан учрашган номзоднинг ишончли вакили, Қорақалпоғистон давлат университети ректори, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғоғи Кенгеси депутати Мурат Жуманов Ш. Мирзиёевнинг сайловолди дастурида жамиятнинг барча тармоқларига кенг ўрин берилганини таъкидлади.

– Партияимиздан кўрсатилган номзоднинг дастурида кенг қўламли иқтисодий-ижтимоий ислохотларни изчил давом эттириш, сановатни модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобидан иқтисодиётнинг рақобатбардорлигини ошириш, ривожланган демократик

давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт даражасини янада оширишга доир стратегик мақсадлар ўз ифодасини топган, – деди М. Жуманов. – Давлатимизнинг жадал ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, яқин ва олин истиқболга мўлжалланган вазифаларни амалга оширишга қаратилган беш йўналишни изчил давом эттириш устувор вазифа ҳисобланади. Дастурда “Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун” тамойилини ҳисобга олиб, ўз ечимини кутиб турган ижтимоий масалаларни ҳал қилиш, кишлоқ жойларида намунали, арзон уй-жойлар қуриш дастурини қабул қилиш, ичимлик суви тармоқларини кенгайтириш ва модернизация қилиш, электр энергияси таъминотини яхшилаш, соғ-

лиқни сақлаш соҳасини янада ислоҳ этиш, жамиятда хотин-қизларнинг роли ва мақомини ошириш каби вазифаларнинг илгари сурилгани сайловчилар эътиборига сазовор бўлаётганини аниқ ҳаққат.

Учрашувда кишлоқ хўжалиги соҳасини янада такомиллаштириш, 2017-2020 йилларга мўлжалланган кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш дастури қабул қилиниб, унинг доирасида экин майдонларини оптималлаштириш ва пахта экинни босқичма-босқич қисқартириш назарда тутилганига алоҳида эътибор қаратилди. Бу кишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг мавжуд тизимини такомиллаштириш ва фермерларнинг иқтисодий имкониятларини янада мустаҳкамлаш қайд этилди.

Наманган вилояти

– Президентликка номзод Шавкат Мирзиёев сайловолди дастурида давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш ҳамда мамлакатимиздаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қаратилган муҳим вазифалар белгиланган, – деди Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги сайловчилар билан учрашган номзоднинг ишончли вакили Икромхон Нажмиддинов. – Шунингдек, сановатга замонавий технологияларни жорий этиш ва янги ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини йўлга қўйиш, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, экспорт ҳажминини кенгайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳаёт сифати ва даражасини изчил юксалтириш каби муҳим масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувда ишончли вакил номзоднинг таржимаи ҳоли, сайловолди дастури ҳақида атрафчилик маълумот берди. Хусусан, дастурдан ўрин олган, Мингбулоқ туманида амалга оширилаётган устувор вазифаларга, қиймати 211 миллион долларлик “Мингбулоқ нефтьгаз” қонини ўзлаштириш лойиҳаси аҳамияти ҳақида

тўхталиб, унинг амалга оширилиши тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилишини қайд этди. Бундан ташқари, вилоятнинг кўпгина туман ва шаҳарлари қаторида Мингбулоқ маркази бўлган Жўмашўй шаҳарчасини ичимлик суви билан таъминловчи сув олиш иншооти ва 5 километрдан зиёд магистраль тармоқ реконструкция қилинишини таъкидлади.

– Бугунги учрашув бизда жуда катта таассурот қолдирди, – дейди “Мингбулоқ” газетаси бош муҳаррири Қосимжон Акбаров. – Туманимиз аграр соҳага ихтисослашган. Ҳудудимиз асосан чўлдан иборат бўлгани учун кўпгина ерлар шўрланган, ҳосилдорлик паст. Номзоднинг сайловолди дастурида: “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация тизимларини ривожлантириш масаласи барча туманларда, айниқса, Мингбулоқ ва Поп туманларида эътиборимиз мақсадида бўлади”, деган жумланинг борлиги фермерларимизга жуда катта куч ва мадад бағишлади.

Номзоднинг ишончли вакили сайловчиларни қизиқтирган барча саволларга жавоб бериб, сайловда Шавкат Мирзиёевга овоз беришга қақиради.

Самарқанд вилояти

Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятидаги ишончли вакили, “Нуроний” жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими раиси Ҳасан Нормуродов билан учрашув ҳам кўнган ўтган, Шавкат Мирзиёевга овоз беришга қақиради.

– Ҳеч ёдимдан чиқмайди, 2001 йил 13 сентябрь кунини Самарқанд вилоятига ҳоким бўлиб келганидан икки кун ўтган, Шавкат Мирзиёев хўжалигимизга келган эди, – деди учрашувда сўз олган меҳнат фахрийси Барот Нодиров. – Ўшанда у киши билан илк бора мулоқотда бўлган эдим. Ш. Мирзиёев: “2-3 кун ичида деҳқонларни тўплаб хўжалигимизда ўқув-семинар ўтказасан, тажрибаларингизни айтиб берсангиз”, деди. Тез орада катта йиғилиш бўлди. У киши тадбирга оёғида этик билан келиб, тўғри шудгор оралаб кетди.

Шудгор ва галла экин бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди. Ҳоким бўлган даврда ҳам вилоятимиздаги деҳқонлар учун кенг имкониятлар яратилди. Ўғит ва ёқилғи-мойлаш материаллари бўйича фермерларни қийнаб келаётган муаммолар ечим топди. Натияжада 2002 йилда вилоят бўйича галладан мўл ҳосил олинди. Ш. Мирзиёев Бош вазир лавозимига тайинланган, бу амалиётни республика миқёсида қўллаб бошлади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, у кишининг саъй-ҳаракати тўғрисида мамлакатимизда фермерлик ҳаракати жадал сурьатлар билан ривожланмоқда.

– Номзоднинг Сайловолди дастурида туманимиз номи алоҳида қайд этилгани хурсандчилигимизга сабаб бўлди, – деди “Нуроний” жамғармаси Булуғур ту-

ман бўлими раиси Абдуалим Азимов. – Унда Булуғур ва Нишон туманлари сановат салоҳияти ва инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги дастурлар ижроси сўзсиз таъминланишини таъкидланган бўлиб, мазкур дастурлар амалга ошса, ҳудудимиз инфратузилмасини тубдан ўзгартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш шубҳасиз. Бундай эътиборга жавобан булуғурликларнинг аҳди қатъий: биз туманимиз истиқболини яққол акс эттирган дастурлар ижодқори – О‘зЛиДеРдан Президентликка кўрсатилган номзод учун овоз берамиз.

Жойларда ишончли вакилларнинг сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлари давом этмоқда.

Ҳ. ФАРМОНОВ тайёрлади.

САЙЛОВ – 2016

ХУДУДЛАРДАН
ХАБАРЛАР

Бепул тиббий кўрик

Яккасарой туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникасида "Оилам ва юртимда барқарор тинчлик, фаровонлик учун овоз бераман" номли тарғибот акцияси бўлиб ўтди.



O'zLiDeP Toshkent shahar Kengashining Aёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбирда партиядан кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастурида соғлиқни сақлаш соҳасини ислох этиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, шунингдек, фармацевтика санатини ривожлантириш каби масалалар ўрин олгани

алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, аҳоли ўртасида зарарли иллатлар тарқалишининг олдини олиш ва соғлом ҳаёт тарзига интилишни шакллантириш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги нисбатининг салбий оқибатлари, тиббий кўриқнинг аҳамияти ҳақида фикр алмашилди.

– Истиқлол йилларида кўплаб шифохоналар қайтадан таъмирланиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, – дейди ушбу поликлиника бош шифокори Фаррух Шарипов. – Яқинда шифо масканимиз замонавий рентген, ЭКГ, ультратовушли аппаратлар билан таъминланди. Қасалликларни аниқлаш ва ташхис қўйишда ушбу аппаратларнинг аҳамияти катта. Ўз навбатида халқ дарди ва саломатлиги ҳақида қайгурадиган, O'zLiDePдан кўрсатилган номзодни Президентликка муносиб деб биламан ва бўлажак сайловда шу инсонни қўллаб-қувватлайман.

Тиббий кўрик давомида малакали шифокорлар яккасаройлик 120 нафардан ортиқ барча ёшдаги фуқароларни текширидан ўтказиб, беморларга зарур муолажаларни тавсия қилишди.

Дилноза НОМОЗОВА,
"XXI asr" мухбири

Муносиб ҳозирлик

Самарқанд вилоятида ҳам бўлажак сайловга муносиб тайёргарлик кўрилмоқда. Самарқанд туманидаги 52-мактабда жойлашган 783-сайлов участкаси ҳам бу муҳим тадбирни юқори даражада ўтказиш учун шай ҳолатга келтирилди.

– Участкамизга келиб овоз берувчилар асосан намунали уй-жойларда яшовчи аҳоли вакиллари, – дейди тумандаги 783-участка сайлов комиссияси раиси Хуршида Урунова. – Умумий сони 1 минг 294 нафар бўлган сайловчиларимизнинг 23 нафари биринчи марта овоз берадиган ёшлар. Эътиборлиси, шу кун сайлов

маданиятимиз юксаклигини тўла намоён эта оламиз. Эрта тонгданок мадҳиямиз садолари остида овоз бериш бошланади, илк бор келган ёшларга совғалар тақдим этилади. Овоз бериш хоналари, имконияти чекланган кишилар учун махсус хона, она-бола хонаси, 32 турдаги зарур дори-дармонлар билан таъминланган тиббиёт хонаси ҳозирланди. Ёш болалари оналар фарзандларига махсус хонада мактабга таълим муассасасидан жалб этилган тарбиячилар қараб туради, она эса овоз бериш хонасига ўтиб, ўзи муносиб деб билган номзодга овоз беради.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
"XXI asr" мухбири

"Менинг илк синовим"

Гулистон туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги агросаноат касб-хунар коллежида ўтган "Менинг илк сайловим" номли биринчи марта сайловда иштирок этаётган ёшларга сайловга оид қонун ҳужжатлари ҳақида маълумот берилди.

– Жорий йилда 18 ёшга тўлдим ва илк бор сайловда қатнашаман, – дейди ўқувчи

Абдулазиз Хўжанов. – Бугунги тадбирда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонун, сайлов участкасида овоз бериш жараёни ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдим.

Тадбир якунида ўқувчилар томонидан берилган саволларга атрафлича жавоблар қайтарилди.

Ўз мухбиримиз

Семинар-тренинг

Урганча Марказий сайлов комиссияси томонидан Президент сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзолари учун семинар-тренингларнинг 3-босқичи бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси котиби С. Қурбонқулов ва 12-Хоразм округ сайлов комиссияси раиси Р. Жабборов сайлов қонунчилиги киритилган сўнгги ўзгариш ҳамда қўшимчалар, участка сайлов комиссияларининг сайлов кунги фаолияти, тайёргарлик жараёни ҳақида сўз юритишди.

– Муҳим сиёсий жараёнга пухта тайёргарлик кўрилмоқда, – дейди 43-участка сайлов комиссияси раиси Наргиза Аллаберганова. – Семинар-тренингларнинг 2-босқичида участка сайлов комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш ва комиссия аъзолари билиши лозим бўлган энг муҳим жиҳатлар билан яқиндан танишган эдик. Бугунги йилгида участка сайлов жараёнини қонунчиликка мувофиқ ўтказиш



бўйича вазифалар муҳокама қилинди. Жумладан, муддатидан олдин овоз бериш ва кузатувчилар институти фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Семинар якунида сайлов жараёни акс этган видеоларга намойиш этилди.

Дилрабо КУРЯЗОВА

ОАВ иштироки


Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 4-Жиззах округ сайлов комиссияси матбуот марказида бўлиб ўтган тадбирда ушбу жараён хусусида батафсил сўз юритилди.

Маълумки, Марказий сайлов комиссиясининг жорий йил 28 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси сайлови бўйича сайлов кампанияси даврида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисида"ги қарорига асосан, сиёсий партиялардан келиб тушган таклиф ва истақларни инобатга олиб, бўлажак сайловда ҳар бир номзодга ўз сайловолди дастурларини аҳолига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Ўзбекистон" ва "Ёшлар" теле ва радиоканалларида 638 дақиқадан бепул эфир вақти ажратил-

ди. Бу ўтган сайловларга нисбатан номзодларга қўшимча 376 дақиқа вақт берилганидан далolat беради. Бундан ташқари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 12 та ҳудудий телеканалларида 206 дақиқадан бепул эфир вақти ажратилди. Айни вақтда Жиззах вилоят телерадиокомпанияси теледастурларида ҳар бир номзод ва унинг ишончли вакиллари ўзларига ажратилган эфир вақтидан қонун талаби асосида фойдаланмоқда.

Матбуот анжуманида сиёсий партиялардан Президентликка кўрсатилган номзодларнинг сайловолди ташвиқоти даврида ОАВдан фойдаланишларида тенг шароит яратиш, бу борада қонунчиликка қатъий амал қилиш борасида атрафлича маълумот берилди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
"XXI asr" мухбири

Сайлов қонунчилиги:
ИСЛОҲОТ ВА САМАРА

Дилфуза
УРАЛОВА,

Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси



Истиқлол йилларида юртимизда халқаро ҳуқуқнинг тегишли стандартларини ҳамда илгор хорижий давлатлар тажрибасини ўзида акс эттирган миллий сайлов қонунчилиги яратилди. Бугунги кунга келиб, сайлов қонунчилигининг изчил такомиллаштирилишини мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотларнинг таркибий қисми сифатида кўриш мумкин.

Сайлов қонунчилиги тизимига қандай қонунлар кириши ҳақида тўхталадиган бўлсак, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қайд этиш жоиз. У бутун сайлов қонунчилиги тизимининг асосини ташкил этади. Асосий Қонунимизнинг 7-моддасига биноан, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи ҳисобланади. Бу, моҳиятига кўра, демократиянинг қонуний қафолати ва давлатимиздаги сайлов қонунлари учун асосий қоидадир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида дунёнинг бошқа мамлакатларидан фарқли ўларок, "Сайлов тизими" деб номланган махсус боб бўлиб, 117-моддада белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан қафолатланади.

Шунингдек, бу борадаги барча қонунлар бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши сайловларига, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари қафолатларига бағишланган.

Сайлов қонунчилиги тизимига яна бир қатор қонунлар кириди. Гарчи, сайловлар улар томонидан бевосита тартибга солинмаган бўлса-да, у ёки бу даражада сайлов жараёнига дахлдордир. Хусусан, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Сиёсий партиялар

тўғрисида"ги, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

Юқорида зикр этилган қонунлар ўтган давр мобайнида вақт синовидан ўтиб, ўзининг ҳақиқий кучини, турли даражадаги сайлов амалиётида самарадорлигини намойиш этди.

Бу каби изчил ислохотлар натижасида мамлакатимизда сайловларга очиқлик, ошқоралик ва транспарентлик сингари илгор демократик стандартларга мувофиқ ҳолда тайёргарлик қўриш ҳамда уларни ўтказиш учун барча шароит яратилди. Ушбу тамойиллар мустақил Марказий сайлов комиссияси, фуқаролик жамияти институтлари, аввало, сиёсий партиялар, уларнинг ваколатли вакил ва кузатувчилари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, хорижий кузатувчилар томонидан таъминланмоқда.

Кези келганда айтиш жоизки, жаҳонда сайловларни ташкил қилишнинг тўртта амалиёти мавжуд.

Биринчиси, сайловлар ҳукумат томонидан ташкил этилади. Иккинчиси, сайловлар суд органлари томонидан ўтказилади. Учинчиси, бу кўппартиявийлик ёндашуви бўлиб, унда манфаатдор партиялар Марказий сайлов комиссиясига ўз вакилларини тайинлайди. Сўнгги, энг демократик шакл – мустақил Марказий сайлов комиссиясини ташкил этишдир.

Мамлакатимизда амалдаги қонун ҳужжатларига биноан республика ҳудудида сайлов қонунчилиги ижроси устидан назорат қиладиган, унинг бир хилда қўлланилишини таъминлайдиган ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясидир. Чунки мазкур орган сайловнинг демократик асосда ўтишини, холислигини, сайловчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлайди. Айни шу жиҳатлар хорижий экспертларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Муҳими, Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини давлат ҳокимияти бошқа органларининг ҳеч қандай аралашувисиз мустақил, фақат Конституция ва қонунлар асосида олиб бориши белгиланган. Бу эса ўз навбатида сайловларни қонун доирасида адолатли ҳамда демократик тарзда ўтишини қафолатлайди.

Жорий йилнинг 4-декабр кунини ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳам демократик тамойилларга мос равишда ўтишига шубҳа йўқ. Зеро, бу борада миллий қонунчилигимизда барча ҳуқуқий асослар ва шарт-шароитлар яратилган.



"Ёшлар қаноти"

Тарғибот тадбирлари

НАВОЙ

O'zLiDeP Навой вилоят ташкилоти "Ёшлар қаноти" томонидан уюштирилган сайловолди акциясида юзлаб талабалар ҳамда ёшлар қатнашди.

Навоий шаҳрида жойлашган ёшлар марказининг муҳташам залида "Биз ёрқин келажак учун овоз берамиз!", "Биз Мирзиёев билан!", "Мирзиёев бизнинг Президент!" сингари ёзувлар битилган байроқчалар ушлаган йигит-қизлар билан тўлди.

– Навой маданияти ва санъат коллежида тахсил олиш баробарида каштачилик сирларини ҳам ўрганяман, – дейди Сайёра Зиёдуллаева. – O'zLiDeP томонидан "Ишбилармон талаба – 2016" стипендияси учун ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичи ғолиби бўлдим. Бўлажак сайловда Президентликка муносиб номзод Шавкат Мирзиёевни қўллаб-қувватлашга аҳд этганман.

Навқирон авлод вакилларининг самимий сўзлари, оташин даъватлари санъаткорлар томонидан ижро этилган дилтортар наволарга ошуфта бўлиб, акция тадбирига қўтаринкилик бахш этди.

Мансур АСЛОНОВ,
"XXI asr" мухбири

СИРДАРЁ

O'zLiDeP Сирдарё вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан сайловга бағишланган акция тадбири ўтказилди.

Унда партия вилоят Кенгашининг мафқуравий, ташвиқот-тарғибот ишлари бўлими мудир Дилшод Тўракулов "Сайлов қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида O'zLiDePнинг иштироки", Сиёсий таълим маркази раҳбари Мубина Расулова "Ёшлар онгида сайлов маданиятини шакллантириш масалалари", ёшлар билан ишлаш бўлими мудир Хусан Жабборов эса "Президентлик сайлови" – ёшлар нигоҳида" мавзуларида маърузалар қилишди.

Шундан сўнг Президентликка O'zLiDePдан кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастурида белгиланган вазифалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилди. Акцияда ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол қатнашган талабалар – Сарвар Холбоев, Бунёд Абдуқоҳороев, Ўткир Абдурахмонов, Даврон Асадов ва Акмал Қўшбековлар партиянинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Норинисо ҚОСИМОВА,
"XXI asr" мухбири

НАМАНГАН

Наманган саноат касб-хунар коллежида O'zLiDeP Наманган вилояти Кенгаши томонидан "Менинг танловим!" ширин остида акция тадбири ўтказилди. O'zLiDeP вилоят Кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Иброҳим Саттаров Президентликка партиядан кўрсатилган номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастури ва таржимаи холи хусусида маълумот берди.

– Бугунги акциядан кўзланган мақсад, ёшларнинг муҳим сиёсий жараёнда муносиб иштирокини таъминлаш, шу билан бирга уларни партиянинг мазмунли номзоди ва сайловолди дастури билан яқиндан таништиришдир, – дейди партия вилоят Кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлими мудир Мусоҳон Юсуфжанов. – Иштирокчиларнинг шижоати, фаоллиги ҳамда номзодимиз гоҳларини қўллаб-қувватлаётгани акцияни кўтаринки руҳда ўтишига туртки бўлмоқда.

– Бугунги тадбир ишга жуда катта куч бахш этди, – дейди спортнинг кикбокс, ушу ҳамда пенчаксилат турлари бўйича бир неча бор Ўзбекистон ва халқаро мусобақалар ғолиби Жамолхон Маматов. – Яқинлашиб келаятган сайловда, албатта, партиямиздан кўрсатилган номзод учун овоз бераман!

Комилжон ФАЙЗИЕВ,
"XXI asr" мухбири

СУРХОНДАРЁ

O'zLiDeP Жарқўрган тумани Кенгаши ташаббуси билан "Ш. Мирзиёев – тадбиркор ва фермернинг энг ишончли ҳимоячиси" мавзуида давра суҳбати ва Президентликка партиядан кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастурининг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" фармони биз каби ёш тадбиркорларнинг янада эмин-эркин фаолият юритишимизга шароит яратди, – дейди Жарқўрган тумани "Соқчи дон экспорт" фермер хўжалиги раҳбари Алломиш Норалиев. – Ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожига, коллеж битирувчиларининг бандлиги таъминланишида муҳим аҳамият касб этади. Мен ҳам бўлажак сайловда тадбиркор ва фермерларнинг энг ишончли ҳимоячиси бўлган номзодга овоз бераман.

Қизиқ қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида O'zLiDeP Сурхондарё вилоят Кенгаши томонидан "Мен ҳам сайловда иштирок этаман" номли тадбир ташкил этилди.

– Сайловда илк бор иштирок этаман, – дейди мазкур коллежнинг 3-босқич ўқувчиси Олим Чориев. – Конституциямизда белгиланган ҳуқуқимдан фойдаланиб, ўзим ҳар томонлама муносиб деб билган номзодга овоз бераман ва менинг овозим муҳим аҳамиятга эгаллигига ишонаман.

Ўз мухбиримиз

ЖАРАЁН

УЧИНЧИ СЕКТОР

Нодавлат оммавий ахборот воситалари сайловни ёритишда фаол иштирок этади

✓ Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИИХБ) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатиш бўйича миссияси узоқ муддатли кузатувчилари Всеволод Перевозчиков ва Хартвиг Гантрам Ганс Кабоз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси аъзолари билан учрашди.

Халқаро кузатувчилар тайёргарлик жараёни билан танишди



Округ сайлов комиссияси раиси У.Жалмонов халқаро кузатувчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси жараёни, округ сайлов комиссияси аъзолари билан борилётган ишлар, амалдаги қонун талаблари асосида округ сайлов комиссияси томонидан 591 сайлов участкаси тузилгани ва улар талаб даражасида жиҳозлангани, сайловга оид тегишли адабиётлар билан таъминлангани, сайловолди тарғибот тадбирлари очиклик, тенглик ва холислик тамойиллари асосида олиб борилётгани ҳақида сўзлаб берди.

Округ сайлов комиссияси фуқароларни комиссия фаолиятдан мунтазам хабардор этиб бораётгани, бунда оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан самарали фойдаланилаётгани таъкидланди. Округ сайлов комиссияси ҳузурида сайловни ёритиш бўйича матбуот маркази ташкил этилган.

Халқаро кузатувчилар округ сайлов комиссиясининг самарали фаолият олиб бориши учун яратилган шароитлар билан танишди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА мухбири

Айни пайтда мамлакатимизда Президент сайловига тайёргарлик ишлари ўзининг қизгин палласига кўрган. Юртдошларимизга сайлов ҳақида тўлиқ ахборот бериш, жараёни тезкорлик билан ёритиш ва сиёсий партияларнинг сайловолди дастури, мақсад ва гоёларини тарғиб этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни бежармас.

"International Hotel Tashkent" меҳмонхонасида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини мамлакатнинг нодавлат телерадиостудиялари орқали ёритишда халқаро стандартларни қўллаш: миллий тажриба ва жаҳон амалиёти" мавзусида ўтказилган халқаро давра суҳбатида масаланинг ушбу жиҳати алоҳида тилга олинди. Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Марказий сайлов комиссияси, К. Аденгаур номидаги фонднинг Марказий Осиё бўйича минтақавий ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда сайловга тайёргарлик жараёнини ёритишда нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларининг роли ва халқаро тажриба ҳақида сўз юритилди.

Таъкидландики, ушбу жараёни оммага етказишда нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари ҳам фаол қатнашапти. Бунда Марказий сайлов комиссияси ва Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ўртасида 2016 йилги сайлов кампаниясини ҳар томонлама холис ёритиш мақсадида имзоланган битим муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси нодавлат телерадиостанциялар томонидан сайлов тадбирлари ўз вақтида ва сифатли ёритилиши, очик ва



ошкораликни таъминлаш, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган махсус ҳаракат дастури ишлаб чиқилган. Унга асосан, хорижий мутахассислар иштирокида семинар-тренинглар ўтказиш, сайловга оид медиа-контентни тайёрлашда хориж тажрибасини ўрганиш, Марказий сайлов комиссияси вакиллари иштирокида "Менинг овозим" ва "Мой голос" ток-шоулари, медиа махсусотлар тайёрлаш, нодавлат телестанциялар эфирини ижтимоий лавҳалар билан бойитиш, радио ахборот маркази кўмағида нодавлат радиостанцияларни сайловга оид материаллар билан таъминлаш каби йўналишларни ўз ичига олган тадбирлар амалга оширилди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ахборот маркази ва нодавлат телеканаллар ахборот хизматлари томонидан 12 та тадбир, 800 дан ортиқ медиа махсусот, қарийб 140 та телерадио лавҳа, 12 та ток-шоу тайёрланиб, уларда сайлов кампаниясининг муҳим жиҳатларига эътибор қаратилди.

Тадбир доирасида нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари ижодий гуруҳларининг мавзуга оид тайёрлаган ижтимоий видеолавҳалари тақдимоти ўтказилди.

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
"XXI as" мухбири

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

...Бобом катта ер эгаси бўлган. Шўролар даврида "қулоқ" сифатида йўқ қилинган. Қишлоғимиз оқсоқолларининг айтишларича, ҳозир бизнинг "Пане люкс" хусусий ишлаб чиқариш корхонамиз ишчилари меҳнат қилаётган ерлар айнан бобом эгалик қилган жойлар экан. Кечаги ва бугунги кунимизни таққослар эканман, чирой очиб бораётган юртим жамолидан, унинг равнақига ҳисса қўшаётган инсонлар камолидан гурурланиб кетаман.

Яқинда эълон қилинган имзолаган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонни бандма-банд синчиклаб ўқиб чиқдим. Бу ҳужжат юртимизда қулай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, тадбиркорларнинг эркин фаолият кўрсатишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилиши табиий.

Асли касбим ўқитувчи. 1997 йили ўзим тиккан кийим-кечақларим билан республикада "Ўқувчи либослари" куриқ-танловига қатнашдим. Биринчи ўринни олиб, 4 та замонавий тикув дастгоҳи билан мукофотландим. Уларни қишлоғимизга олиб келдим ва мактабимиз қошида кичик цех очиб, тўрт нафар қиз билан иш бошладик. Дастлаб мактаб формаси, келинлик либослари тиккан бўлсак, биз тайёрлаган болалар кийимларига ҳам тез орада талаб кўпайиб кетди.

2003 йили "Ҳамкорбанк" дан 2 миллион сўм миқдорда кредит олиб, ишчилар сонини 20 нафарга етказдик. Қаранг, ҳозир корхонамизда қишлоғимиздан 120 нафар аёл ишлаяпти. Уларнинг тенг ярми касб-хунар коллежларининг тикувчилик йўналишини битирган қизлар. Уша йиллари 400 миллион сўм соф фойда олган бўлсак, ҳозир бундан уч-тўрт баравар кўп даромад олиш имкониятига эга бўлдик. Чунки экспорт салоҳиятимиз кенгаймоқда-да.

Мамлакатимизда ҳукуматимиз томонидан биз тадбиркорларга кўрсатилган рағбатлиқлар туфайли технологик жиҳозлар, бутловчи буюмлар импортда божхона божи ва солиқлардан озод этилганимиз катта маблағни иқтисод қилиш имтиёзини берди. Айни пайтда мактаб ва коллежлар ўқувчилари учун либослар тикиб бериш юзасидан буюртмалар олаёямиз, махсусотларимизнинг бир қисmini Россия ва Қозғистонга экспорт қилаёямиз.

Шаҳрихон туманидаги чорвачиликка ихтисослашган "Иномжон файз" фермер хўжалиги раҳбари

Одинахон ОТАХОНОВА:

Бахти бутун элнинг бахтли аёлиман!

ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Хусусий корхонамиз имкониятларидан келиб чиқиб, 2008 йилда чорвачиликни йўлга қўйиш мақсадида банкдан имтиёзли кредит олиб, Германия, Голландия давлатларидан 200 бош зотдор, насли қорамоллар олиб келдик. Тажрибали мутахассислар ёрдамида белгиланган қорамолларни парваришлаш ҳамда сунъий уруғлантириш ҳисобига уларнинг сонини мингтага етказдик. Ҳозир сигирлар ҳар куни ўртача 25-30 литрдан сут берапти. Ҳисоблаб чиқдик: дастлаб элтиб-дан ташқари 2,5-3 тонна сут ортиб қолаётган эди. Бора-бора бу миқдор кўпайди. Демак, бизга сутни қайта ишлаш корхонаси керак. Айни пайтда бу иш тўла-тўқис поёнига етди. Сут ва сут махсусотларини қайта ишловчи "Рич Милк" корхонамизнинг 12 турдаги махсусотлари эл дастурхонасига етиб борапти. 1 суткада 15 тонна сутни қайта ишлаш имкониятига эгамиз. Энг муҳими, Италиядан келтирилган замонавий технология асосида соғиб олинаётган сут оқими тўғридан-тўғри цехга йўналтирилган. Уртада узилтиш, вақт йўқолишига чек қўйилгани махсусот сифатини таъминловчи омиллардан биридир.

Ўзимиздан ортиб, халққа нима беряпмиз, деган ўй ҳар куни хаёлимдан ўтади. Юрган йўлигимизни, босган изимизни оқлаб яшашимиз керак. Мен бир қишлоқ аёли сифатида иқтисодиётимиз ривожига тадбиркорлар қўшаётган ҳиссаларни аниқ-тиниқ ҳис қиламан. Ўзимдан қиёс: ҳалол меҳнатимиз туфайли эришаётган йиллик даромаднинг соф фойдасидан барча баҳраманд бўлсин, дейман.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган маҳаллий ўғит тайёрлашда чорвачиликнинг ўрни бежармас. Биз ҳам чорвачиликда ҳосил бўладиган чиқатдан маҳаллий ўғит тайёрлаб, 50 сотих ерда иссиқхона барпо этдик. Натижада 5 минг тонна биогурус тайёрлаш имконияти пайдо бўлди. Бу жиҳатларга кенг тўхтаётганимнинг боиси – биз бугун энг илгор ютуқларни жорий этган ҳолда чиқатсиз технология асосида ишлашга ўтганлигимизни таъкидлашдир. Мана, ишлайман, деган тадбиркорга имконият эшикларини катта очилмоқда.

Президент фармонида республиканинг экспорт салоҳияти ўсиши, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш ва маҳаллий

ишлаб чиқарувчиларнинг ташқи бозорда рақобатдошлигини оширишни рағбатлантирадиган валютани тартибга солиш ва валюталар курси сиёсатининг илгор бозор механизмларини жорий этиш вазибалари қўйилган. Бу фаолиятимиз ривож учун эркин жиҳатлардан биридир. Айниқса, тадбиркорларнинг, энг аввало, давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, республиканинг инвестициявий жозибдорлигини оширишга қаратилган қонунчиликни мустаҳкамлаш борасидаги фикрлар магзини қақиб, ишлайдиган давр келди, деб ўйлайман.

Ушбу ҳужжатда белгиланган чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилиши мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилаб, соҳани янада либераллаштиришда муҳим омил бўлади. Қолаверса, у хусусий секторни жадал ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболларини белгилаб бергани билан аҳамиятлидир.

Азизлар, яна бир қувончли, унутилмас воқеани сиз билан баҳам кўрмоқчиман. Ўзим аъзо бўлган O'zLiDePдан Президентликка номзод Шавкат Мирзиёев билан Андижон вилоятида бўлиб ўтган учрашувдан бир олам таассуротлар олдим. Номзоднинг сайловолди дастурида давлат ва жамият тараққиёти учун ҳисса қўшадиган ҳеч бир соҳа

уларнинг сони ва вилоят иқтисодиётидаги салмоғи тобора ортиб бораётди. Кейинги беш йилда вилоятда 10 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, улар 2,5 баробар кўпайган. Меҳнат билан банд аҳолининг 84 фоизи шу соҳада фаолият кўрсатмоқда. Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида илгари сурилган аниқ тақдирларнинг барчаси тадбиркорларга яратилган имкониятларни янада кенгайтириб, уларнинг ишончли фаолият юритишида муҳим ҳуқуқий асос бўлади, десам янглишмайман.

Мақтабда ўқиб юрган йилларимни эсламан. Келажак ҳақида аниқ мақсадларни ўз олдига қўйиб интиладиган тенгуларим санокли эди. Мактабни битириб, бамисоли туман ичига қолгандек бўлганимиз, ҳавасу иштиёқимиз аро йўлда турганини энди тасаввур қилаёяман. Бугун-чи? Ҳозирги ёшларнинг келажакка қарши, талаб-истаклари эмин-эркин рўйбга чиқмоқда. Мана шуни ўйлаб Шаҳрихоннинг энг гавжум жойида "Одина файз" ўқув марказини ташкил қилдик. Уни ҳар босқичда 76 нафар ёш тамомлаб чиқмоқда. Хорижий тилларни ўргатиш, чеварлик, пазандалик, ўй ҳамшираси, турли сервис хизмати учун ходимлар тайёрлаш йўналишларида йигит-қизлар ҳам таҳсил, ҳам малака олмақда.

ХОРИЖЛИК ФЕРМЕРНИНГ ҲАЙРАТИ

Мақтанш эмас, Германия, Голландия, Польша, Исроил, Туркия, Хитой сингари ўнлаб давлатларда бўлдим. Ишбилармон доиралар билан ҳамкорлик ришталарини ўрнатдик. Хориждан ҳам ҳамкорларимиз тез-тез келиб туришади. Масалан, Германиядаги фермерлар сулоласининг тўққизинчи авлоди, оилавий фермерлар – жаноб Маркус ва унинг турмуш ўртоғи билан яқин бўлиб қолдик. Мамлакатимизда озиқ-овқат дастури ижросини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, лол қолганини яширишмади. Ҳозир ривожланган мамлакатлар чорвачилигида турли касаликларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш долзарб муаммага айланган. Жаноб Маркус биздаги табиий шароит, иқлимни қўриб, ҳайратга тушди. Қуёшнинг оловли тафтидан баҳра олган ўт-ўланлар билан озиқланадиган чорва ҳайвонларида ана шундай касаликлар кам учраган экан. Офтобда пишган, витаминларга бой, серҳосил экинлар билан боқилган ҳайвонлардан олинандиган махсусотлар экспорт талабига тўла жавоб бериши исботланди.

Биз бир вақтлар 50-60 йил мобайнида наслчиликни яхшилаш юзасидан қанчадан-қанча тажрибалар ўтказдик. Бирок қўзланган натижа-



ЭЛНИ СУЙГАННИ ЭЛ ҲАМ СУЯР

Ўзимиздан ортиб, халққа нима беряпмиз, деган ўй ҳар куни хаёлимдан ўтади. Юрган йўлигимизни, босган изимизни оқлаб яшашимиз керак. Мен бир қишлоқ аёли сифатида иқтисодиётимиз ривожига тадбиркорлар қўшаётган ҳиссаларни аниқ-тиниқ ҳис қиламан. Ўзимдан қиёс: ҳалол меҳнатимиз туфайли эришаётган йиллик даромаднинг соф фойдасидан барча баҳраманд бўлсин, дейман. Қишлоғимиздаги кам таъминланган хонадонларга ўндан ошқ соғин сигир бердик. Мана, 15 йилдан ошяптики, Шаҳрихондаги ақли заиф болалар махсус мактаб-интернатини ҳоимийликка олганмиз. Мурувват уйдаги ногирон аёллар ҳолидан ҳамиша хабар олиб тураемиз. Ардоқли шоиримиз Оразий домланинг музейини таъмирлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшдик. Мадада муҳтожларга кўмак беришдан ортиқ таскин-тасалли бормикан бу дунёда! "Сарой" маҳалла фуқаролар йиғинида барпо этган гузаримиз кундан кун чирой очиб борапти.

2017 йилда минг тонналик совутиччи ишга туширишни режалаштирдик. Ана шу орзуимиз амалга ошса, ҳамқишлоқларимиз ва бошқа худудлар фермерлари етиштирган сара сабзавоту мева-чеваларнинг сифатини бузмай, баҳоргача сақлаш имкониятига эга бўламиз. Оддий қишлоқ аёли сифатида ҳар бир кишининг эмин-эркин, кундалик ҳаётдан кўнгли тўқ, юз-кўзи ёрув бўлиб меҳнат қилиши учун шарт-шароитлар яратилаётганига беадад шукроналар айтганам. Шаҳсан мен бахти бутун элнинг энг бахтли аёлларидан бириман!

ИМКОНИЯТ

САЙЛОВ – 2016

САЙЛАШ ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

— Юртимизда яратилган қўлай ишбилармонлик муҳити натижасида мен ҳам тadbirkor айлар сафидан жой олдим. Буён мамлакатимиз муҳим иқтисодий жараён — сайлов арасида турибди. Шундай экан, Биринчи Президентимиз қўриб берган давлат барқарорлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшаётган номзодав овоз бериш лозимлигини унутмаслигимиз лозим.

Фурсатдан фойдаланиб, давлатимиз раҳбарлигига юртимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожига ҳисса қўшиб келадиган О'zLiDePдан кўрсатилган номзод Шавкат Мирзиёевни Президентликка муносиб деб биламан.


Шоҳида СУЛТОНОВА, "Ҳамкор стимул сервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, О'zLiDeP аъзоси

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг ҳал қилувчи палласи бошланди. Шу сўзларни ёза туриб, Ш.Мирзиёевнинг сайловолди дастурига яна бир қўр назар ташладим: "... Бизнинг бош мақсадимиз Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов томонидан бошлаб берилган демократик ислохотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш, тинчлик-осойишталик ва барқарорликни таъминлаш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиб беришдир..."

Номзодимизнинг илмий салоҳияти, ҳаёт тажрибаси, раҳбарликдаги улкан тажрибаси, энг муҳими, Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг истеъдодли шогирди, изчил давомчиси бўлгани бизга ишонч ва умид бағишлайди.

Неъматжон ҲАСАНОВ, тарих фанлари номзоди, доцент, фахрий, Яшнобод тумани

...2001 йилнинг сентябрь ойи эди ўшанда. Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятига раҳбар этиб тайинланди. Ташкилий сессиядан икки кун ўтгач, ҳоким масъул раҳбарларни Самарқанд аэропортига тўплади. "Ҳокимиятга эмас, нега аэропортга?", деган ўйда келганлар масаланинг моҳиятини жойида билишди.



Қутлуғ қадам хосияти

Ҳаво дарвозасидан шаҳар маркази томон пиёда юриш бошланди. Ўша кун Ибн Сино ва Бўстонсарой кўчаларининг аэропортдан университет хибонига-ча бўлган чегарасидаги бирорта бино, ҳовли, бекат, йўлак, савдо, машийи хизмат шохобчалари, ҳатто газ қувурлари, ариқлар ҳолати — қўйинги, бирор нарса эътибордан четда қолмади. Бир йўналишдаги икки кўча бўйича юздан зиёд аниқ мақсадга қаратилган топшириқлар берилди. Уларнинг ижрочилари, бажариш муддатлари аниқ белгиланди. Натижада кўчанинг қиёфаси ўша кунлик ўзгара бошлади, десам сира муболага бўлмайди. Бундай юришлар қадимий кентнинг кўчаларида қўллаб тақдорландики, уларни саногига етиш қийин.

Самарқанд вилоятининг бирор маҳалласи, гузари йўқки, унга Шавкат Мирзиёевнинг қадами етмаган бўлса. Пахта майдони, галлазор, боғ, шудгор, яйлов, пастлик, қияликми, тепаликми фарқи йўқ, албатта, асосий нуқтагача бориб, ўзи қўриб, сўнг қарор қабул қиларди.

Мулоқотлар самимий кечар, муаммоларнинг аксарияти жойида ҳал қилинар, ёрдама муҳтожларга кўмак қўрсатилади эди. Шу тахлит туман, шаҳарлар кесимида бир неча марта аниқ ижтимоий масалаларни ўрганишга қаратилган сайёр юришлар бўлди. Бунинг натижасида ўнлаб янги мактаб, боғча, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш корхоналари қурилди, бинолар таъмирланди, қишлоқлар обод, саранжом-саришта бўлди. Бундан севинган ҳамюртларимиз, отахон ва онахонлар: "Ҳокимнинг қадами қутлуғ келди, барака топсин, отасига раҳмат!", дея дуо қиларди. Ўша онларни самарқандликлар ҳозир ҳам эътиром ва миннатдорлик туйғуларига тўлиб эслашади. Зеро, ҳаётнинг шиддатли, бунёдкорликка йўғрилган давларини хотирлаш кишига завқ, қувонч бағишлайди.

Дарҳақиқат, мўтабар оқсоқолларнинг "қутлуғ қадам" деган жумласида бир олам маъно бор. Унда меҳр, қувонч, ризолик, фахр акс этиб тура-

ди. Бу жумлаларни дилдан ўтказар эканман, беихтиёр кўз ўнгимда Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанддаги шижоати фаолияти, туманма-туган, маҳаллама-маҳалла пиёда кезишидаги илдам ва шахдам одимлари намаён бўлади.

Номзодимизнинг Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг саккизинчи съезидидаги маърузасини бир неча марта ўқиб чиқдим, телевизор орқали кўрдим, сайловолди дастури билан тақдор-тақдор танишдим. Мамлакатимиз истиқболига қаратилган, халқ манфаатларига эш бўлиши бу дастурлар билан ҳар даъфа танишганимда миллионлаб ҳамюртларим қатори юртимизнинг равнақи, мамлакат тараққийотининг қутлуғ ва илдам қадамларини тирак қиламан.

Биз, насиб этса, 4 декабрь кун халқимизнинг фаровон ва бахтли турмуши, Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажаги учун овоз берамиз!

Амирлло АҲМЕДОВ, О'zLiDeP Сибсий Кенгаши аъзоси

РЕКЛАМА ҲУҚУҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра ташкилоти фаолият "Миллийбанк" ҳузурида ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамгармаси ва унинг вилоятлардаги бўлимлари тadbirkorларимиз ишлаб чиқараётган ана шундай сифатли, бозори чақон маҳсулотларни хорижий бозорларга экспорт қилишда яқин кўмақдош бўлаётир.

Навоийлик тadbirkorлар дунё эътирофида

Мамлакатимизнинг санвати ривожланган ҳудудларидан бўлиши Навоий вилоятида айни пайтда 560 дан ортқ санат корхонаси фаолият кўрсатмоқда, — дейди жамгарманинг Навоий вилояти бўлими бошлиғи Равадан Маҳмудов. — Энг муҳими, бир замонлардагидек фақат шаҳарлардагина эмас, балки вилоятнинг олис қишлоқ жойларида ҳам фаолият юритаётган бундай корхоналар сифатли, дунё стандарт талабларига тўла мос келадиган харидорғир маҳсулотлар ишлаб чиқариб, "Made in Uzbekistan" белгиси билан жаҳоннинг қатор давлатларига экспорт қилмоқда.

Айтиш жоизки, маҳсулот ва хизматлар экспорти салоҳиятининг йил сайин ортшиди ражгарма вилоят бўлимининг ҳам ўз ўрни бор. Жорий йил октябр ойининг ўзида ушбу бўлим кўмаги билан 9 та тadbirkorлик субъектига қарийб 30 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот ва хизматлар экспорт қилинди. Хусусан, жамгарман вилоят бўлими кўмағида "Kartana Gips Maxsulotlari" масъулияти чекланган қўшма корхона чет элларда ташкил этилган кўргазмаларда иштирок этиб, салкам 200 минг АҚШ долларлик қурилиш материалларини экспорт қилди. Хориждан мижоз топшида кўмаклашилгани эвазига — "Бахт Текстиль" қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти 7 миллион 500 минг АҚШ долларлик, "Бизнес Азия", "Bright Navoi textile", "Navbahor tekstil" масъулияти чекланган жамиятлари эса қарийб 20 миллион АҚШ долларлик калавани хорижга экспорт қилди. Бундан ташқари "Nur – Sultan – Asat" масъулияти чекланган жамиятига экспорт шартномаси тузиш ҳамда уни рўйхатга қўйишда зарур маслаҳатлар беришда ва ҳозирча 127 минг АҚШ доллар миқдоридagi товар четга экспорт қилинди.

Шунингдек, вилоятда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортга ҳам баҳоли қудрат ёрдам берилмоқда. Хусусан, экспорт шартномаси тузиш ва рўйхатга қўйиш борасида кўмаклашилгани эвазига "Zafar Temur Export Import" хусусий корхонаси салкам 5 миллион АҚШ долларлик, "Xatirchi Export Import" хусусий корхонаси эса 3 миллион 500 минг АҚШ долларига яқин, "Навоий Самарқанд Савдо" масъулияти чекланган жамияти 500 минг АҚШ долларидан ортқ миқдордаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишга эришди. Умуман жорий йилнинг ўтган даврида жамгарманинг мазкур вилоят бўлими томонидан тadbirkorларга кўрсатилган амалий, ҳуқуқий ва консултив ёрдам натижасида ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектлари қарийб 300 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспортини амалга оширди. Асосийси — навоийлик тadbirkorлар маҳсулот учун электрон тақдирлар тайёрлаш ва уларни интернет тармоғига жойлаштириб, ички ва ташқи бозорда ҳамкорлар топшимоқда. Масалан, Нурота туманидаги "Mel mahsulotlari" масъулияти чекланган жамияти томонидан тайёрланган маҳсулотлар учун тижорат тақдирлари ишлаб чиқилиб www.all.biz ва www.teclot.com сайтларига жойлаштирилган, Қирғизистондаги "Хаджимаматов М.М" билан қиймати 130 минг АҚШ долларлик 20 минг квадрат метр ҳажмдаги мрамар етказиб бериш бўйича шартнома имзолаш ҳамда божхона ҳужжатлари расмийлаштирилишида кўмак кўрсатилди. Худди шунингдек, "Nur – Sultan – Asat" масъулияти чекланган жамиятига Афғонистоннинг "Kamal Basher CO. LTD" компанияси билан 36 минг АҚШ долларлик экспорт шартномаси тузишга эришилди.

— Яна бир жиҳати, маҳаллий ҳамда халқаро тендер савдолари, кўргазма ва ярмаркаларда тadbirkorларимиз доимий равишда иштирок этиб келмоқда, — дейди Равадан Маҳмудов сўзида давом этиб. — Масалан, ўтган йили Туркманистонда ўтказилган "TURKMEN CONSTRUCTION – 2016" буғунги материаллари, Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида ўтган "Роуд – шоу" буғун жажон кўргазмаларида "Xatirchi pilla hazinasi", "Navoi human pulp", "Музроб Иброҳим", "Triumph Gornyak", "Polipropilen quvurlar", "Polietilen quvurlar" корхоналари ўзлари ишлаб чиқараётган 25 хилдан ортқ маҳсулот билан қатнашди. Навбахор туманидаги "Завфар – Темир" корхонаси буғунгача бўлимимиз кўмағида хорижга 5 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилган бўлса, яқиндагина Тошкентда бўлиб ўтган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида Россия, Озарбойжон каби давлатлар ишбилармонлари билан 2017 йилги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосили учун 5 миллион АҚШ долларлик экспорт шартномаси тузди. "Xatirchi Export Import" хусусий корхонаси ҳам буғунгача 3 миллион 500 минг АҚШ долларлик қишлоқ хўжалик маҳсулотини экспорт қилиш бораберида I Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида МДХ давлатлари ишбилармонлари билан 5 миллион 500 минг АҚШ долларлик маҳсулотни экспорт қилишга доир шартнома имзолашга эришди. Бундай тadbirkorлар нафақат йирик корхоналар, балки тadbirkor ва фермерларимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг жаҳон бозорига сотилишига сабаб бўлмоқда.

Зиёдулла МҲМИНОВ, XXI asr мухбири

Хизматлар лицензияланган 16-511

Қутлуғ кун қувончи

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишда сайловчилар билимини ошириб бориш бугунги куннинг энг муҳим, долзарб вазифаларидан бирига айланган. Айни мақсадда Олмалик шаҳрининг турли жойларида ўтказилаётган тарғибот тadbirkorларида сайловчиларнинг ҳуқуқлари ҳақида тушунириш, тегишли маълумотлар берилмоқда.

Конституциямизнинг 117-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга. Улар сайловолди кампаниясида ва овоз беришда ихтиёрий қатнашадилар. Сайловда овоз бериш яширин бўлиб, фуқаролар томонидан бевосита амалга оширилади. Шунингдек, уларнинг хоҳиш-ирода билдиришлари устидан назорат этилишига йўл қўйилмайди.

Айтиш жоизки, айни пайтда барча сайлов участкаларида кутубхоналар ташкил этилиб, Пре-

зидентликка кўрсатиладиган номзодларнинг таржимаи ҳоли ва дастури, сайловга оид материаллар ва адабиётлар билан таъминланган.

Мазкур жараёнда қатнашувчи Олмалик шаҳрининг 84 минг 934 нафар сайловчиларидан 1 минг 205 нафари биринчи марта овоз беришчи ёшлардир. Сайлов тартиби ҳақида етарлича маълумотга эга бўлган йигит-қизларимизнинг 4-декабрни қизиқиш ва ҳаяжон билан кутаётганини жойларда ўтказилаётган учрашув ва сайловолди тadbirkorларида кузатиб туришимиз. Асосийси, уларнинг ҳар бири ўша кун ўз келажаги учун овоз беришларини, бу овоз мамлакат тараққийоти ва ободлиги йўлида муҳим аҳамият касб этишини дилдан ҳис қилишмоқда.

Гузэл ИСОҚЖОНОВА, Олмалик шаҳар 3-сонли давлат нотариал идораси нотариуси. Феруза ТУРҒУНОВА, Олмалик шаҳар 6-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

Юртимизда ўз ҳалол меҳнати ортидан қувончли ютуқларни қўлга киритаётган тadbirkorларимиз талайгина. Самарқанд туманидаги "Насиба парранда" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шокир Арслонов ана шундай ишбилармонлардан бири.

Иши бароридан келса...

— Фаолиятимизни хориждан 50 минг дона ломан зотли товуқлардан олиб келиб бошлаган эдик, — дейди корхона раҳбари Шокир ака. — Ҳозирда уларнинг сони 120 минг бошдан ошди. Республикаимизнинг барча ҳудудига йилга 3 миллиард 5 миллион сўм қийматдаги маҳсулот етказиб бераёلمиз. Ютуқларимизга юртимизда тadbirkorлар учун яратилаётган шарт-шароитлар муҳим асос бўлмоқда. Фойда солиғи, пенсиядан ташқари жамгармалар, йўл фонди каби тўловларимиз бекор қилинди, ағона ер солигини тўлаёلمиз. Бундай имтиёзлар тўғрисида йилга 75 миллион сўм маблағ ҳисобимизда қоляпти.

Тиниб-тинчимас тadbirkor келгуси йили яна бир муҳим режани амалга ошириш ниятида эронлик ишбилармонлар билан ўзаро ҳамкорлик шартномасини имзолади.

Муҳаббат РАВШАНОВА, XXI asr мухбири

РЕКЛАМА ҲУҚУҚИДА

“AUTO BEST TRADE” МЧЖ Surxondaryo mintaqaviy filiali бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Сурхондарё вилоят Термиз шаҳар 2510-сонли давлат автокорхонасини тугатиш ва қайта ташкил этиш бўйича ҳудудий комиссиясига тегишли, Сурхондарё вилоят Термиз шаҳар 2510-сонли давлат автокорхонасини тугатиш ва қайта ташкил этиш бўйича ҳудудий комиссиясининг 2016 йил 6 апрелдаги № 1-сонли баёни ва 2016 йил 21 ноябрдаги № 29-сонли буюртманомасига асосан, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, С.Термизий кўчаси 9-уй манзилда сақланаётган қуйидаги автомобилотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Бошланғич нархи — 6 866 000 сўм бўлган, КАМА3 5320 бортли русумли, 19 AF 123 давлат рақамли, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз автотранспорт воситаси.
2. Бошланғич нархи — 6 866 000 сўм бўлган, КАМА3 5320 бортли русумли, 19 AV 702 давлат рақамли, 1982 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
3. Бошланғич нархи — 6 866 000 сўм бўлган, КАМА3 5320 бортли русумли, 75/ 741 JAA давлат рақамли, 1982 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
4. Бошланғич нархи — 6 866 000 сўм бўлган, КАМА3 5320 бортли русумли, 75/ 610 JAA давлат рақамли, 1983 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
5. Бошланғич нархи — 3 544 000 сўм бўлган, КАМА3 5320 бортли русумли, 19 AV 782 давлат рақамли, 1983 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
6. Бошланғич нархи — 6 866 000 сўм бўлган, КАМА3 5320 бортли русумли, 75/ 489 JAA давлат рақамли, 1981 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
7. Бошланғич нархи — 6 866 000 сўм бўлган, КАМА3 5320

- бортли русумли, 75/ 490 JAA давлат рақамли, 1984 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
8. Бошланғич нархи — 6 866 000 сўм бўлган, КАМА3 5320 бортли русумли, 75/ 706 JAA давлат рақамли, 1985 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
9. Бошланғич нархи — 6 866 000 сўм бўлган, КАМА3 5320 бортли русумли, 19 AC 998 давлат рақамли, 1982 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
10. Бошланғич нархи — 7 563 000 сўм бўлган, КАМА3 5511 самосвал русумли, 19 AD 401 давлат рақамли, 1988 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
11. Бошланғич нархи — 7 563 000 сўм бўлган, КАМА3 5511 самосвал русумли, 75/514 JAA давлат рақамли, 1988 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
12. Бошланғич нархи — 3 494 000 сўм бўлган, ЗИЛ 431610 русумли, 19 AF 141 давлат рақамли, 1988 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
13. Бошланғич нархи — 5 810 000 сўм бўлган, ЗИЛ 431610 русумли, 75/ 534 FAA давлат рақамли, 1988 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
14. Бошланғич нархи — 3 494 000 сўм бўлган, ЗИЛ 431610 русумли, 19 AF 184 давлат рақамли, 1989 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
15. Бошланғич нархи — 3 494 000 сўм бўлган, ЗИЛ 431610 русумли, 19 AV 184 давлат рақамли, 1989 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
16. Бошланғич нархи — 5 810 000 сўм бўлган, ЗИЛ 431610 русумли, 75/ 361 OAA давлат рақамли, 1989 йилда ишлаб

- чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
17. Бошланғич нархи — 5 810 000 сўм бўлган, ЗИЛ 431610 русумли, 75/ 510 JAA давлат рақамли, 1989 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
18. Бошланғич нархи — 5 852 000 сўм бўлган, ЗИЛ 431610 русумли, 75/ 487 JAA давлат рақамли, 1990 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
19. Бошланғич нархи — 5 810 000 сўм бўлган, ЗИЛ 431610 русумли, 75/ 697 JAA давлат рақамли, 1989 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
20. Бошланғич нархи — 5 810 000 сўм бўлган, ЗИЛ 431610 русумли, 75/695 JAA давлат рақамли, 1987 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
21. Бошланғич нархи — 5 810 000 сўм бўлган, ЗИЛ 431610 русумли, 75/698 JAA давлат рақамли, 1989 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
22. Бошланғич нархи — 5 810 000 сўм бўлган, ЗИЛ 431610 русумли, 75/694 JAA давлат рақамли, 1989 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
23. Бошланғич нархи — 5 810 000 сўм бўлган, ЗИЛ 431610 русумли, 75/699 JAA давлат рақамли, 1989 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
24. Бошланғич нархи — 5 810 000 сўм бўлган, ЗИЛ 431610 русумли, 75/583 JAA давлат рақамли, 1987 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
25. Бошланғич нархи — 3 494 000 сўм бўлган, ЗИЛ 431610 русумли, 75/703 JAA давлат рақамли, 1988 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.

26. Бошланғич нархи — 5 810 000 сўм бўлган, ЗИЛ 431610 русумли, 19 AV 839 давлат рақамли, 1989 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
27. Бошланғич нархи — 5 810 000 сўм бўлган, ЗИЛ 431610 русумли, 75/608 JAA давлат рақамли, 1989 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
28. Бошланғич нархи — 1 482 000 сўм бўлган, ГАЗ 2410 русумли, 19 AF 294 давлат рақамли, 1990 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
29. Бошланғич нархи — 4 188 000 сўм бўлган, ГЕАДА-МАССНГ русумли, 19 AI 824 давлат рақамли, 1996 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз автотранспорт воситаси.
30. Бошланғич нархи — 766 000 сўм бўлган, ГКБ 8328 русумли, 19 B 268 давлат рақамли, 1990 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз тиркама.
31. Бошланғич нархи — 766 000 сўм бўлган, ГКБ 8328 русумли, 75/ 2003 AA давлат рақамли, 1990 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз тиркама.
32. Бошланғич нархи — 766 000 сўм бўлган, ГКБ 817 русумли, 19 B 259 давлат рақамли, 1988 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз тиркама.
33. Бошланғич нархи — 766 000 сўм бўлган, ГКБ 817 русумли, 19 B 270 давлат рақамли, 1988 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз тиркама.
34. Бошланғич нархи — 766 000 сўм бўлган, ГКБ 8328 русумли, 19 B 261 давлат рақамли, 1990 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз тиркама.

Савдо 2017 йил 5 январь кун Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Тараққиёт кўчаси 36-А ўйда соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари — соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2017 йил 4 январь кун соат 18:00. Автомобилотранспорт воситалари 2017 йил 5 январь кун сотилимаган тақдирда, тақририй савдолари 2017 йил 24 январь ва 10 февраль кунлари юқорда кўрсатиб ўтилган манзилда соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Тақририй савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати 2016 йил 24 январь кун учун 23 январь кун соат 18:00 да, 2017 йил 10 февраль кун учун 9 февраль кун соат 18:00 да тўхташилади. Савдога қўйилган автомобилотранспорт воситалари билан тегишли ташкилот вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатал қилишга асосан автомобилотранспорт воситасининг бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал тулини, ХАББ "Трастбанк" Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги: СТИР 303357906, МФО 01063, 20208000200474342002 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Савдо қилинган савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун ичида сотувчи билан автомобилотранспорт воситасининг олди-сотди шартномасини имзолаш шартлари юклатилади. Буюртманомалар қабул қилинадиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри Тараққиёт кўчаси 36-А уй, тел: (0-376) 223-31-57.

Гувоҳнома: 010942.

РЕКЛАМА

Ишончли молиявий ҳамкор

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил тўққиз ойлик яқунларига бағишлаб ўтказилган мажлисида мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг барқарор суръатлари сақланиб қолаётгани, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда юқори натижаларга эришилаётгани алоҳида қайд этилди. Бу, энг аввало, иқтисодийнинг етакчи тармоғига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ, десак асло муболаға қилмаймиз.

қилмоқда. Тайёрланаётган либослар, хусусан, болалар ва катталар кийим-кечаклари юқори сифати билан ажралиб туради.

Тошкент шаҳар, Яқкасарой туманидаги "Renessans-Sas" масъулияти чекланган жамияти ҳам банкнинг доимий мижозларидан. Ҳозирги кунда бу ерда асосан темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Тадбиркор Камола Шоймардоновнинг таъкидлашича, корхонадаги барча замонавий асбоб-ускуналар банк кредити ёрдамида харид қилинган. Яқинда олинган сармоя ҳисобига яна 5 та янги иш ўрни яратилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида банк ташаббуси билан бандлик масаласи юзасидан жойларда турли тадбир, кўргазмали семинарлар ташкил этилди. Битирувчилар ва тадбиркорликни ихтиёр этган ёшларга бошланғич сармоя олиш имконини берадиган сертификатлар топширилди. Банкнинг Сирдарё вилояти филиали томонидан Мирзаобод ижтимоий-иқтисодий коллежи битирувчиси Элдор Шерқузиёвга 300 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилган эди. Ёш тадбиркор шу ҳисобдан Оқолтин тумани ҳудудидан "Сирдарё момиқ кўёнлари" агрофирмасини ташкил этди.

– Бозор шароитида кўп нарса таваккалчиликка боғлиқ, – дейди у. – Ҳамма гап ишнинг кўзини билишда. Кўенчиликни олиб. Бир қарашда кўзга ташланмаса-да, турган-битгани фойда. Юртимизда ҳар ким ўз иқтидорини намоён қилиш учун барча имконият яратилган. Бунга ўз фаолиятимиз мисолида яққол кўряпмиз. Айниқса, банкнинг беминнат ёрдами алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Ажратилган сармоя эвазига замонавий кўёнхона қуриб, уни кўнгилдагидек жиҳозладик. Ёзда салқин

ҳаво, қишда иссиқ ҳарорат бўлиши таъминланди. Шундан сўнг Тошкентдаги "Хон қўён" масъулияти чекланган жамиятидан 114 бош зотдор қўён сотиб олдик. Ҳозирги кунда улар парвариши билан жиддий шугулланаяпмиз. 2 та "МТЗ – 80", 1 та "КИР – 1,5" русумли агрегатлар ҳар қандай мушкуллимизни осон қилмоқда. Туман ҳокимлиги озуқа экинлари етиштириш учун 15 гектар ер ажратиб берди. Айни пайтда ушбу майдонда беда ва маккажўхори экинлари парвариш қилинмоқда. Зотли қўёнлар йилига 4-5 марта насл берди. Шунга ҳисобга олиб, озуқа цехи, қўён гўшти сақланадиган музхона қуришни режалаштирганмиз. Келгуси йилдан қўшни фермаларга зотдор қўёнлар етказиб бериш ҳам бошлаб юборилади. Ҳозир жамоамизда коллеж битирувчиларидан ўн нафари иш билан таъминланган. Ҳадемай улар сафига яна 5 нафар йигит-қиз қўшилиди. Хуллас, орузларимиз кўп. Уларнинг тўла амалга ошишига ишонамиз. Чунки бизни қўллаб турган ишончли молиявий мададкоримиз бор.

Қашқадарё вилоятида ҳам сардаромад тармоқ – кўенчиликни ривожлантиришга алоҳида масъулият билан ёндашилмоқда. Қарши туманидаги кўенчиликка ихтисослашган "Дилшод Дивербек Ҳамкор" агрофирмаси фаолияти билан танишсангиз, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қиласиз.

– Ҳамкорликда ҳижмат кўп, – дейди корхона раҳбари Дилшод Абраҳматов. – Лойиҳамизнинг умумий қиймати 300 миллион сўм эди. Шунинг 280 миллион сўми "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкига тегишлидир. Лойиҳа доирасида тумандаги Қоратепа қишлоғи ҳудудидидаги бўш тур-

ган бинони ўз тасарруфимизга олиб, уни қайта таъмирлади. Қўёнлар сақланадиган темир ин ва бошқа зарур ускуналар сотиб олинди. 30 гектар экин майдони ажратилди. Яқин келажақда қўёнлар сонини минг бошга етказмоқчимиз.

Сурхондарё вилояти Денов тиббиёт коллежини тамомлаган Сайрамхон Менгиёзова музқаймоқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун бизнес режа тайёрлаб банкнинг туман бўлимига тақдим этган эди. Унинг истиқболли лойиҳаси ўз вақтида қўллаб-қувватланди. Изланувчан тадбиркор айна пайтда эзгу мақсадларини рўёбга чиқариш учун тиним билмаётти. Андижон тумани маиший хизмат касб-ҳунар коллежини тугатган Абдулхай Назаров ҳақида ҳам худди шундай илқ сўзларни айтиш мумкин. У икки нафар тенгдош билан автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устaxonасини очишга аҳд қилган. Бу борада "Микрокредитбанк"нинг молиявий кўмағига умид қилиб турибмиз, – дейди А. Назаров.

Дарҳақиқат, Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги "Зарифжон зиё" хусусий корхонаси яратилган қўлай имкониятлардан фойдаланиб, табиий тоғ сувини қадоқлаш ва ички бозорга етказиб беришни йўлга қўйди. "Микрокредитбанк"нинг Хатирчи филиали томонидан ажратилган 150 миллион сўм миқдоридидаги кредит маблағи замонавий дастгоҳлар сотиб олиш ва қатъий иш жараёнини йўлга қўйишда жуда қўл келди. 10 киши меҳнат қилаётган корхонада кунига 5 мингта елим идишда табиий тоғ суви қадоқланмоқда.

– Мутахассислар фикрича, Хатирчининг булоқ сувлари минералларга бойлиги билан инсон организми учун жуда фойдалидир, – дейди тадбиркор Акмал Каримов. – Келгусида шифобахш булоқ сувларини ҳам газланган ҳолда йирик ҳажмли идишларда қадоқлашни режалаштирганмиз. Бу яна бешта иш ўрни яратиш имконини беради.

Носир ТОШЕВ, Анвар БОТИРОВ

Хизматлар лицензияланган 16-503

Имкониятга яраша имтиёз

Маълумки, хусусий мулкнинг устуворлиги таъминланган, узаро рақобат кучайиб бораётган бугунги кунда сифатли маҳсулотларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Савдо пештахталарини тўлдириб турган бири-биридан бежирим, замонавий истеъмол товарлари, турли-туман озиқ-овқат маҳсулотларини қўриб, кўз қувнайди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республикамиздаги қарийб 3 мингта корхонада халқаро стандартларга мувофиқ сифатли бошқариш тизими жорий этилди ва уларга мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилди. Яратилган қўшимча имтиёзлар бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга янги, замонавий технологияларни кенг жўшаётган шартларда янада қўшимча имтиёзлар берилди. Қарорда бу йўналишдаги кўп қисмларни четдан келтириш, агар уларни етказиб бериш шартларида назарда тутилган бўлса, божхона тўловларидан, шу жумладан, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июндаги "Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатли бошқариш тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эса корхоналарга четдан келтирилаётган ускуналар учун тегишли бож тўловларидан озод бўлиш имтиёзини беради.

Ҳаёт бугина эмас. Айниқса, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётган корхоналар учун бож тўловлари

борасида қўшимча имкониятлар яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2012 йил 26 мартдаги "Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардор маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори фикримизни яна бир қарра тасдиқлайди. Қарорга мувофиқ, валюта-кредит қардорлиги мавжуд бўлган корхоналарга 2012 йил 1 апрелдан ўз валюта тушумининг маълум қисмини асосий валюта қардорлиги тўлиқ тўлангунга қадар ваколатли банкларга мажбурий сотишдан озод этиш имтиёзи берилди. Шунингдек, сифатли бошқариш тизимларини жорий қилаётган, четдан янги ускуна ва технологик қурилмалар олиб келаётган, маҳсулотни халқаро стандартлар асосида сертификатлаштираётган, лабораторияда тест ва синовлар ўтказиш амалиётини йўлга қўяётган микрофирма ва кичик ташкилотларга ягона солиқ тўловларини камайтириш тартибини қўллаш белгиланган. Қарор асосида савдо банкларининг экспорт операциялари бўйича факторинг хизматлари даҳми кенгайтирилгани ҳамда экспорт операцияларини амалга оширишда ушбу хизматлар мuddатининг 60 кундан 90 кунгача узайтирилгани сифатли бошқариш тизимини жорий этган корхоналар учун яратилган яна бир катта имтиёзидир.

Солиқ кодексининг 356-моддасига кўра, солиқ солинадиган база асосан янги технологик ускуналар сотиб олиш, сифатли бошқариш тизимларини жорий этиш ва маҳсулотнинг халқаро стандарт талаблари асосида сертификатлаштириш, лаборатория синовлари ўтказиш, солиқ солинадиган базани беш йил давомидида камайтириб бериш кўзда тутилди.

2016-2018 йилларга мўлжалланган дастурга асосан республикамизда 3 мингдан ортиқ, жумладан, Тошкент вилоятида 395 та корхона ва ташкилотда сифатли бошқариш тизими жорий этилди ҳамда сертификатлаштириш амалиёти йўлга қўйилади. Шу мақсадда вилоятдаги туман ва

Хизматлар лицензияланган 16-213

Яқинда Ромитан туманидаги "Имидж текстиль" масъулияти чекланган жамияти электрон почтасига Россия Федерациясидан хабар келди. Унда корхона билан доимий ҳамкорлик қилаётган "COTTON – INVEST" масъулияти чекланган жамияти савдо ишлаб чиқариш ташкилоти директорлар кенгаши корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар барча қўрсаткичлар бўйича дунё андозаларига тўла жавоб бериши, шу боис уларни бошқа давлатлардан эмас, балки айнан Ўзбекистон, тўғрироғи, бухоролик ҳамкорлардан харид қилиш истаги баён қилинган эди.

Сифатли маҳсулот бозор танламайди

Табиийки, бу хушxabар корхона жамоасини беҳад хурсанд қилди. Тўғри-да, маҳсулот сифати масаласида ўта талабчан бўлган хорижий тадбиркорлар билан савдон пишириш осонми? Қолаверса, корхона катта шаҳарда эмас, балки Бухоронинг чекка бир қишлоғида жойлашган бўлса. Ҳар ҳолда жорий йил корхона учун баракали келди. Бухорода ишлаб чиқарилаётган маҳаллий маҳсулотларга экспорт тақийфлари аввалги йилларга нисбатан анча кўпайгани ҳам шундан далолат беради.

Биласизми, сифат ҳар қандай бозор учун биринчи ўринда туришини нуутмаслигимиз лозим, – дейди корхона раҳбари Йўлдош Мирхонёв. – Маҳсулотимиз четга чиқди, энди у нафақат бизнинг, балки бутун мамлакатимизнинг ҳам оубросидир. Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилгани ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш имконини бермоқда. Кези келганда, бизга ақин кўмакчи ва маслаҳатчи бўлган хизмат кўрсатишчи ташкилотлар, хусусан, "Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази" давлат корхонаси жамоасига ўз мианатдорчилигимизни билдирамиз.

Ушбу сўзлар бухоролик бир тадбиркорнинг фикри-да, дейиш ҳам мумкин. Ваҳоланки, марказ хизматида фойдаланаётган кичик бизнес вакилларининг сафи анча кенг. Жумладан, бугунги кунда 13 мингга яқин хусусий мулкчилик субъектлари ҳамда кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг сазй-ҳаракати билан вилоятда импорт ўринини босадиغان, экспортбоп маҳсулотлар салмоғи ҳам, тури ҳам кўпаймоқда. Зеро, Европанинг бир қатор давлатлари, Осие ва Шарқий Осие, МДҲ давлатларига экспорт қилинаётган маҳсулотларимиз ташқи бозорда ҳам ўз сифати ва харидорчилигини билан ажралиб туради. Қувонарлиси, катта-кичик корхоналардаги замонавий ускуналарни олий ўқув юртлири ҳамда касб-ҳунар коллежаларини эндигина тугатган, чўқур билим ва етарли кўникмага эга бўлган маҳаллий ёшлар бошқармоқда.

Маълумки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва харидорчилигини таъминлаш кўп жиҳатдан "Ўзстандарт" агентлиги, унинг жойлардаги синов ва сертификатлаштириш марказлари фаолиятига боғлиқдир. Биз ҳам шундан келиб чиқиб, ўз ишимизни босқичма-босқич кенгайтиришга ҳаракат қилаяпмиз. Тадбиркорлар орасида кимё-технология, тўқимачилик ва енгил саноат йўналишлари бўйича олий ўқув юртлирини тугатганлар ҳам оз эмас. Бу эса бизга қўл келмоқда. Чунки маҳсулот сифати, энг аввало, уларнинг ўзига керак. Марказимизда 2 та аккредитланган синов лабораторияси мавжуд бўлиб, улар орқали озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, пойабзал, электро-

техника маҳсулотлари, автомобиль воситалари, ёнгил-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, қурилиш ашёлари, чинни ва шиша идишлар, шунингдек, мебель буюмларининг сифат таркиби аниқланади. Жорий йилда "Ўзстандарт" агентлиги жамғармаси, қолаверса, марказимиз маблағи ҳисобига биржа савдолари ва ички тендер орқали "Универсал спектрофотометр", "1-синф аналитик лаборатория тарозиси", "Сатурн – М 3 комплекс синов ускунаси", намунали спиртомер тўплами, "Қуриш шкафи" ва "Мўрили шкафи" синов ускунаси харид қилинди, "Росс Майлс прибори" синов ускунасини сотиб олиш бўйича шартнома тузилди, дастлабки тўлов амалга оширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 октябрдаги "2020 йилгача бўлган даврда Миллий инфратузилма сифатини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида марказимизда кимё маҳсулотларини синовдан ўтказишга мўлжалланган янги лаборатория ташкил этилди. Лабораторияни халқаро аккредитациялаш учун Қозғистон халқаро аккредитация идоралари билан музокаралар олиб борили, қолаверса, ISO/IEC 17025:2005 халқаро стандарти талабларига мувофиқ синов лабораторияларининг аккредитация хужжатлари тўплами тайёрланди.

Бу каби ишлардан асосий мақсад, аввало, истеъмол бозорида маҳсулотлар хавфсизлигини таъминлаш ва аҳолининг юқори сифатли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондиришдир. Зеро, сифатли маҳсулот бозор танламайди. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида ўз маҳсулотлари билан ички ва ташқи бозорга чиқариши учун тадбиркорлардан 1 минг 700 дан ортиқ ариза келиб тушди, шундан 2 минг 883 тасига мувофиқлик сертификати расмийлаштирилиб берилди. Хорижий давлатларнинг 191 та мувофиқлик сертификати тан олинди. Сертификатланган импорт маҳсулотларининг барчаси маркировкага эгадир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш диққат марказида турган масалалардан биридир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 5 октябрда эълон қилинган фармонида кўра, 2017 йил 1 январдан ҳар қандай текширишлар Назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши руҳсати билангина амалга оширилиши белгилаб қўйилгани соҳа тараққиёти учун қўлай имконият экани шак-шубҳасиз. Бунга жавобан тадбиркорларимиз катта куч ва ғайрат билан ишлаб, ўз бурчларига тўла масъулият билан ёндашдилар, деб ишонамиз.

Тоҳир САЛОМОВ, "Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази"

Хизматлар лицензияланган 16-227

Хизматлар лицензияланган 16-367

Юнусали ОЧИЛДИЕВ

ҚАДРЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР! АЗИЗ ЮРТДОШЛАР! Ўзингизни кизиктирган турли мавзулардаги саволларга жавоб топишни ёки реклама ва эълонлар юзасидан мурожаат этмоқчи бўлсангиз, ҳафтанинг шанба ва яқшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача тахририятнинг (0-371) 281-40-17, (0-371) 215-63-80 телефон рақамларига, шунингдек, xxi.asr@uamail.uz электрон манзилимизга мурожаат этишингиз мумкин.

МОҲИЯТ



Хуршид ДАВРОН,
Ўзбекистон халқ шоири.



— Маънавият сўзининг замирида маъно, моҳият тушунчалари ётади. Китоб ўқимоқчи бўлган одам ўзини маънога тўлдирди. Зив билан йўлини ёртади. Шу маънода, китоб инсониятнинг энг юксак кашфиётларидан биридир. Ахир, яхшилик дарахтини сугориб турадиган нарса ҳам китоб-ку!

Инсон китоб бор жойга, кутубхоналарга яқинлашган сайн улар онгида, юрагида ҳаёт нури равшанлашиб, фикрлари теванлашиб боради. Бунинг истаган пайтингда ўз тажрибангизда синаб кўришингиз мумкин. Сиз умуман кутмаган томондан ерулук келиб, қалбингизга мўралайди, маънавият томон йўл очади.

Кутубхона — ҳақиқий маъно излаганлар учун хазина. У ерда неча-неча асрлардан бери, аждодларимизнинг қалб кўри, сабр ва машаққатли меҳнатларининг натижаси ўлароқ яратилган минглаб нодир китоблар сақланади. Уларни ўқисангиз, сизга дўст тутинади, тилга кириб жонланади. Бир вақтлар, юртимиз чоризм томонидан босиб олинган, рус зобитларига берилган катта бир топшириқ ҳам халқнинг нодир китобларини йиғиб олиб, император кутубхонаси учун олиб кетиш бўлган.

Бунинг учун халқнинг энг севимли китоблари қўриқтиш, алдов, арзимаган чақаларга сотиб олиш эвазига қўлаб эшелонларга жойланиб, олиб кетилган. Лекин ота-боболаримиз ҳар қандай даврда ҳам жасорат кўрсата олган. Бугун юртимизда сақланаётган нодир китоблар шу жасорат тимсолининг намунаси. Уларнинг аксарияти кутубхоналарда алоҳида эътиборда сақланаётганлиги бизни хурсанд қилади, чунки бу китоблар миллатнинг ўзгичлиги таъминловчи ва асрий маънодан дарак берувчи ноб бўлган ма-манбалардир.

Азал-азалдан кутубхоналар миллат кўзуси, унинг ривождаги муҳим маскан ҳисобланган. Ҳар бир мамлакатнинг тараққиёти ўша мамлакатда неча кутубхона борлиги ва энг муҳими, у ердаги китобхоналарнинг сони билан ўлчаниши керак. Мен шунини аниқ биламанки, бугун Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бунга ёрқин мисол бўлади. Чунки замонавий талаблар асосида янгидан бунёд бўлган мазкур кутубхонада ҳар қун минглаб ёшлар китоб ўқимокда, соғлом ахборотга эга бўлишмоқда. Бу ўринда ёшларга янада эътиборни оши-

риш лозим. Чунки кекса авлод шаклланиб бўлган, китоб ўқишга қизиққани юз ёшда ҳам ахтариб китоб ўқийди, қизиқмагани-чи? Мажбурласангиз ҳам китоб ўқимайди. Лекин ёшларнинг китоб ўқиш кўникмасини шакллантирсак бўлади. Китобнинг сеҳри ва ундан оладиган хазинаси улкан эканлигини ўларга билдира олишимиз керак. Бунда ота-оналарнинг ҳиссаси жуда катта бўлади.

Аввало, ота-оналар китоб ўқиб фарзандларига намуна бўлишлари керак. Китобдан олган ҳайратларини болалари билан ўртоқлашиши, бу ажиб қоғозлар мажмуи қандай таъсир ўткази олиш кучига эга эканлигини болалар кўриши керак. Шу ўринда фарзандларнинг бурчи ҳақида гапириш ҳам ўринлидир. Шундай жигарбандлар борки, отаси қолдирган катта маънавий меросга белисанд. Унинг бой, шахсий кутубхонаси аллақачон омиборхоналарга ташланган ёки шунчаки тарқатилган.

Бир қун чиқиндиҳонада шундай манзарани кўриб, юрагим зирқираб кетди. Китобларни ушлаб кўрар эканман, унга муаллифлар томонидан ёзилган дастхатлардан бу китоблар кимнинг шахсий кутубхонасидан улоқтирилганлигини билдим. Унинг эгаси атоқли олимлардан бири эди. Ана, ноқобил фарзандларнинг аянчли қилмишига мисол. Ундан кўра, ўша китобларни кутубхоналарга берганида қанчадан-қанча инсонлар фойдаланган, ўша оилага раҳматлар ёғилган бўларди. Бу борада кутубхоналар ҳам оғоҳ турмоғи, шундай китобларни сотиб олиб бўлса ҳам шахсий кутубхоналарни асраб қолиши зарур. Чунки чиқиндига ташланган китоблар орасида ноб, қимматли, ҳали фанга маълум бўлмаган китоблар ҳам бўлиши мумкин эканлигини унутмайлик.

Биз глобаллашув даврида яшаймиз. Бунинг яхши томони бўлгани каби, кўлаб ёмон томонлари ҳам бор. Баъзи шу сўзни байроқ қилиб олган одамлар, халқларнинг ўзига хослигини йўқотмоқчи, уларни ҳеч қанақа қуролларсиз ўзгичидан айирмоқчи бўлишмоқда. Чунки шу иллат уруғини ўйлаб топаётган мамлакатларнинг ўз илдишлари йўқ. Юртимиз эса, инсоният тамаддунининг бешиқларидан биридир. Улар тарқатмоқчи бўлаётган жаҳолат уруғига қарши энг кучли “жангчи” китобдир.

Жавлон ЖОВЛИЕВ ёзиб олди.

МАЪНАВИЯТ

Саҳнага кўчган тарих

Донишманд бобомиз ҳазрат Алишер Навоий, шубҳасиз, ўзининг бой, сермаҳсул ижоди билан дунё маданияти хазинасини бойитган бетакрор зотлардан бири. Табаррук инсон ўз замонасида ҳамisha саховатпеша ва оқил, илмли кишиларни қўллаб-қувватлаган, манманлик, ўзига бино кўйиш каби иллатларни аёвсиз қоралаган.

Ўзбек миллий академик драма театрида саҳналаштирилган “Алишер Навоий” номли спектаклни томоша қилиш учун “Ўзбекистон-Грузия” дўстлик жамияти аъзоларининг ташриф буюриши икки давлат ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни янада мустаҳкамлашида муҳим ўрин тутуши табиий. Чунки Алишер Навоий образи адабиётга ошно, маърифатли қалблар учун улкан ҳодиса, миллиятнинг улуг сиймосини халққа янада яқинлаштириш сари қўйилган муҳим қадамлардан биридир.

Спектаклда салтанат ичи ва атрофидаги можаролар, эзгулик ва ёвузлик, адолат ва ноҳақлик ўртасидаги мунозаралар асосида иждоқнинг қисмати очиб берилди. Айниқса, Навоий ва Гули ўртасидаги соф ва бегараз ишқ ҳали асрлар давомида куйланади, тараннум этилади.

Чиндан ҳам шоир ҳаёти катта ва суронли воқеликлар ичида ўтганлиги тарихдан маълум. Аммо ҳар икки ҳолатда ҳам унинг олий ҳақиқати кўнгилни муқаддас Каъба каби асраш, унга топиниш бўлиб қолди. Чунки бу образ шоирнинг ҳаётида ҳам, ижодида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. У ҳеч қачон шохнинг олдида гадони, бойнинг олдида муҳтожни изза қилмайди. Дунё паст-баландликларини тенг кўради. Тил ва дил бирлигини умрининг сўнгги ўлжасига сақлай олди. Бу жиҳат



спектаклда ҳам ўзига хос ракурсларда очиб берилганига гувоҳ бўламиз.

Ушбу спектакль барча томошабинлар қатори мазкур дўстлик жамияти аъзолари кўнгилида ҳам бир олам маъно ва таассурот уйғота олди. Бундай хайрли ишлар, маданий ҳамкорлик изчил давом этаверади.

Ориф НИГМАТОВ,
“Ўзбекистон – Грузия”
дўстлик жамияти аъзоси



— Маънавият сўзининг замирида маъно, моҳият тушунчалари ётади. Китоб ўқимоқчи бўлган одам ўзини маънога тўлдирди. Зив билан йўлини ёртади. Шу маънода, китоб инсониятнинг энг юксак кашфиётларидан биридир. Ахир, яхшилик дарахтини сугориб турадиган нарса ҳам китоб-ку!

РЕКЛАМА

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

ZAZ

ZAZ Forza, дв: 109 л.с. – бензин/газ

SUPER-AVTO

Нива Бизнес – пикап, 4x4, дв: 80,92 л.с. – бензин/газ

Тўлов тури: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТҚАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Шота Руставели кўчаси, 113-уй.
Мўлжал: Жанубий вокзал. Телефонлар: (+99871) 215-09-11, 250-23-93.

www.sardor-avto.uz

Махсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
TASHQI IQTISODIY FAOLIYAT
MILLIY BANKI**

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни яқинлашиб келаётган 8 декабрь умумхалқ байрами – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни билан қутлайди. Фаровон турмушимиз пойдевори – қонун устуворлиги тамойилининг асосий мезони бўлмиш Бош қомусимиз қабул қилинганлигининг 24 йиллиги муборак бўлсин, азизлар!

Хизматлар лицензияланган 16-490

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Миробод туман Кенгаши аппарат раҳбари Гулираъно Умурзақовага падари бузруквори **Унгар отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

ЎЗБОК ИҚТИСОДИЙ-СИВОСИЙ ГАЗЕТА
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Содиқжан ТУРДИЕВ	Қўлчан ҚАНАҚУЛОВ
Дилшод ШОУМАРОВ	Тулкин ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ	Алдам ШОИМОНОВ
Абдумажид КАРИМОВ	Расул КУШЕРБАЕВ
Алишер ШАЙХОВ	Виктор ПАК
Ихбол МИРЗО	Бегмат ОЧИЛОВ

Тахрират мақли: Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73А-уй.

электрон почта: xxi_asr@mail.uz

Телефонлар: қабулхона – 215-63-80 (тел./факс).
Котибият – 281-40-17
Реклама ва шартнома-лар бўлими – 215-60-45, 255-68-50

“XXI asr” иқтисодий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2016 йил 8 апрелда 10-3648 А рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми – 4 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г – 1166 Тираж: 9612
Баҳоси келишилган нархда.
ЎзА якуни – 20:50
Топширилди – 02:30

Тахриратта келган кўлемлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

© “XXI asr” газетаси олинган маълумотларда манба сифатида газетани номини кўрсатиш шарт.

Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назардан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун тахрират жавобгар эмас.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер

Маъруфжон Раҳмонов
томонидан сийқаланди.

ISSN 2181-497X

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррирлар:
А. МУЗАРФАРОВ, С. ЗОИРОВ